

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХСАНОВ ҚАҲРАМОН РАҲИМБОЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ «МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ» АСАРИ
ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Тўхсанов Қахрамон Раҳимбоевич Жалолиддин Румий «Маснавийи маънавий» асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи.....	3
Тухсанов Кахрамон Рахимбоевич Сопоставительное исследование узбекских переводов произведения Джалалиддина Руми «Маснавийи маънавий»	33
Tukhsanov Kahramon Rahimboyevich The comparative study of the uzbek translations of “masnavi-ye manavi” by Jaloliddin Rumi.....	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	68

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХСАНОВ ҚАҲРАМОН РАҲИМБОЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ «МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ» АСАРИ
ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fil193 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сирождинов Шухрат Самаридинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ҳамроев Жумакул**
филология фанлари доктори, профессор

Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори, доцент

Мисбоҳиддин Нарзикул (Тожикистон)
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Зоҳидов Рашид Фозилович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

Пардаев Қўлдош Узоқович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида умуминсоний кадриятлар ва инсон маънавий камолотини васф этган асарлар ҳамisha бутун башариятнинг мулки сифатида эътироф этиб келинади. Айниқса, Шарқ мумтоз адабиёти ва унинг ижодкорлари асарларига бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Шу боис асар ғояси ва фалсафасининг жамият маънавиятини юксалтиришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг таржимасига эҳтиёжни туғдирган ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ҳамда таржима савиясини баҳолаш таржимашунослик олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Қайта-қайта таржима қилинган асарларнинг универсал ва парадигматик жиҳатларини очиш эса дунё таржимашунослиги тараққиёти билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё таржимашунослиги тарихидан маълумки, бадий ва фалсафий юксак асарлар таржима туфайли кўплаб миллий адабиётларда поэтик мазмун ва шакл янгиланишларига йўл очиб, унинг янада юксалишига замин яратган. Шарқ мутафаккир шоирларининг, хусусан, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедил каби сўз даҳоларининг асарлари фалсафаси, оҳанги ва тузилишига монанд Ғарб адабиётида янги шарқона жанрлар пайдо бўлгани шу сабаблидир. Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” шоҳ асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Асарнинг ўзбекча таржималарини қиёсан тадқиқ этиш, манзумада ифодаланган умуминсоний кадриятларнинг бадий талқинини махсус ўрганиш зарурат сифатида юзага чиқмоқда. “Маснавийи маънавий” асари ва уни таржимада қайта яратиш даражаларини ўрганиш, таржималарда аслият ва бадий тил хусусиятларини тадқиқ этиш ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда кейинги чорак асрда жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига бевосита таржима қилиш ва таржимачилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. “Маснавийи маънавий” асари форс тилида яратилган бўлса-да, маданияти, турмуш тарзи, анъаналари, кадриятлари бир хил бўлган ўзбек халқи учун жуда қадрлидир. Зотан, “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган”¹. Бугунги даврда асарнинг ўзбек тилига ўгирилишига хизмат қилган лингвостилистик ва лингвокультурологик воситаларни ҳамда уларнинг қўлланиш хусусиятларини белгилаш, таржималар қачон ва қимлар томонидан амалга оширилгани, таржиманинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамият ҳаётининг танаси иктисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир» нутқи.// Халқ сўзи, 2021 йил, 20 январь. – № 13.

энг оптимал ифода йўллари баён этиш, миллий-маданий лексик бирликларнинг эквивалентлиги ва адекватлигини таъминлаш, трансформация асосида бериш усуллари аниқлаш ҳар қачонгидан кўра долзарб ва зуруридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи² Шарқ мумтоз адабиётининг буюк вакили, шайх ва шоир, тасаввуф илмининг билимдони, мавлавия тариқати асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ва унинг таржималарини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Istanbul Üniversitesi (Туркия), Балх давлат университети (Афғонистон), University of Washington Press (АҚШ), Humboldt University of Berlin (Германия), Институт

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Востоковедения РАН, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), Қозон давлат университети, Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası, Bakı Dövlət Universiteti, Z.Bünyadov adına Şerqşünaslıq İnstitutu (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Самарқанд, Қарши ва Бухоро давлат университетлари (Ўзбекистон)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабий жараёнида “Маснавийи маънавий” матни таржималарига йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: асар таржималари қаерларда амалга оширилганлиги географияси аниқланган. “Маснавийи маънавий” билан боғлиқ таржима санъатининг лингвистик мавқеи, шаклланиши ва ривожланиши илмий исботланган. “Маснавийи маънавий”нинг ғоявий-бадий таъсирчанлигини ошириш мақсадида унинг таркибига киритилган афсона, ривоят, ҳикоят, ояту ҳадис, мақолу ҳикматларнинг поэтик вазибалари, исломий-тасаввуфий истилоҳларнинг аҳамияти, асарнинг немис тилига ҳамда инглиз тилига таржималари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган (Германия, Буюк Британия), “Маснавийи маънавий”нинг жаҳон адабиёти тарихи учун асосий манба бўлиши, поэтикаси (Туркия, Миср, Эрон, Франция, Италия); битикнинг озарбайжон тилига таржималари ва унинг ўзига хос хусусиятлари махсус ўрганилган (Озарбайжон); Румий ва “Маснавийи маънавий” асарининг жаҳон адабиётига таъсири (Россия, Тожикистон); асар тарихи ва талқинига муносабат масаласида янгича методологик ёндашувлар (University of Amsterdam. Нидерландия); Қирғиз миллий университети (Қирғизистон), “Маснавийи маънавий”даги ҳикоятларнинг поэтик хусусиятлари (Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Қарши давлат университети).

Дунё адабиётшунослигида мумтоз асарларни турли тилларга таржима қилиш ва уларни тадқиқ этишнинг қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: жаҳон таржимашунослигида шеърӣ таржималарнинг ўзига хос томонлари, жумладан, вазн, қофия, радиф, поэтик санъатларнинг таржимада акс этирилиши, уларда таржима асарларнинг адекватлик даражасини таъминлаш; ноадекват таржима сабабларини топиш ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш; тил бирликларини, айниқса, архаизмларни, исломий-тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи сўзларни таржима тилида беришнинг қиёсий таҳлили, таржимада прагматик мувофиқлик ва номувофиқликни келтириб чиқарувчи унсурларини аниқлаш; мумтоз асарларни таржима қилиш тамойилларини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шеърӣ матни идрок этиш ва уни бир тилдан бошқа тилга ўгириш масаласи узоқ йиллардан бери таржимашунослар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жаҳон ва рус адабиётшунослигининг кўп вакиллари шеърӣ таржима ва бадий матни

қайта яратиб масаласига оид тадқиқотлари билан бу соҳа ривожига бекиёс хисса қўшдилар.³

Адабиётимиз шеърӣ таржима соҳасида кўп асрлардан бери бой тажрибага эга бўлса-да, унинг ривожини, назарий ва амалий муаммолари ҳақида махсус тадқиқотлар яратиб ХХ асрга келиб урф бўлди. Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожини Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Н.Комилов, А.Ҳожиаҳмедов, К.Жўраев сингари таниқли олимлар ҳамда кейинги авлод вакиллари изланишлари билан бевосита боғлиқдир.⁴

Шу кунгача яна ўзбек таржимашунослигида Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ғ.Ғафурова, К.Жўраев, И.Ғафуров, И.Мирзаев, Қ.Мусаев, О.Мўминов, М.Умархўжаев, Ғ.Ҳошимов, М.Бақоева, Ш.Сирожиддинов, Н.Қамбаров, Э.Очилов, Д.Жуманова, Р.Ширинова, М.Жавбўриев, Ш.Исакова, Е.Н.Панжиева, Н.Ўрмонова, О.Давлатов⁵ ва бошқа олимларнинг таржима

³Эткинд Е. Поэзия и перевод. – Л. – М.: Сов. писатель, 1963; Фёдоров А. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983; Россельс В. Сколько весит слово. – М.: Сов. Писатель, 1984; Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Сов. Писатель, 1980.

⁴ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 232; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 195; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари: (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 224; Саломов Ғ., Комилов Н., Салимова З., Жўраев К., Отажонов Н. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979. – Б. 194; Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Т.: Фан, 1965; Шеърӣ таржиманинг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1969; Комилов Н. Бу – қадимий санъат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 191; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т.: Маънавият, 1999; Ҳожиаҳмедов А. Рус классик адабиётидан илк таржималар ва уларнинг ўзбек адабиёти таракқиётидаги аҳамияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1962, – Б. 289.; Олимов С.Х. Проблемы воссоздания поэтических фигур в переводе Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – С.22.; Бакаева М.К. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва киёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фан. доктори... дисс. автореф. – Т.: 2004. – Б.50.

⁵ Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎЗР ФА нашриёти, 1961. – Б.159; Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан, 1966. – Б. 385; Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.:Ўқитувчи, 1982. – Б. 236; Ғафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Т.: Фан, 1973. – Б.159; Ғафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Т.: 2008. – Б. 118; G'ofurov I., Mo'minov O., Qambarov N. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2012. – Б. 321; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1975. – С. 22; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б. 352; Жўраев К.Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982. – Б. 60; Жўраев К., Жўраев Э. ва бошқалар. Таржима назарияси ва амалиёти. – Андижон, 2008. – Б.116; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.120; Умархўжаев М. Таржима ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари // Ҳозирги замон таржимашунослигининг долзарб масалалари (Илмий-амалий конференция материаллари). – Андижон, 2008. – Б. 200; Хошимов Ғ. К теории метаязыка транслатология (Республика илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2015. – Б. 160; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва киёсий шеършунослик муаммолари. – Т.: Фан, 2015. – Б. 288; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 164; Одилова Г. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърӣ таржималарида адекватлик муаммолари: Филол. фан. номз... дисс. – Т.: 2011 –Б. 26; Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: 2012. – 200; Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2016. – Б. 176; Джуманова Д. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филлол. фан. док.... дисс. автореф. – Т.: 2016. – Б. 87; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т.: 2017. – Б. 56; Жавбўриев М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиб (О.Ёқубовнинг Улуғбек хазинаси тарихий романининг немисча таржимаси мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Т.: 1991. – Б. 202; Исакова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши: (Ойбекнинг «Навой» романининг французча таржимаси мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Т.: 2004. – 132; Панжиева Н.Н. Когнитивный аспект оценочных номинаций лица в английском и узбекском языках: Дисс.... канд. филол. наук. – Т.: 2004. – С. 150; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги (ўзбек адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т.: 2008. – Б.26;

назарияси ҳамда амалиёти, у билан боғлиқ муаммолар ечими, таржима танқиди соҳасида эришган ютуқлари бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар учун дастуриламал бўлди.

Дунё ва ўзбек адабиётшунослигида “Маснавийи маънавий”нинг аслияти, турли тилларда амалга оширилган таржима ва шарҳлари ҳақида катта-кичик тадқиқотлар мавжуд⁶. Бироқ кузатишлар шуни кўрсатдики, ишимиз учун бош манба ҳисобланган асарнинг Жамол Камол таржимаси тўғрисида ҳозирча бир неча тарғибий мақола мавжуд, холос⁷.

“Маснавийи маънавий”нинг ўзбек тилидаги илк шеърӣ таржимаси матнини қиёсий таҳлил жараёнида жиддий назардан ўтказиш миллий адабиётшунослигимиз кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жалолоддин Румӣ “Маснавийи маънавий” асарининг бевосита аслиятдан ўзбек тилига шеърӣ ўғирилган нусхалари қиёси асосида мутаржимларнинг вазн, қофия, радиф, лафзий ва маънавий санъатлар, исломий-тасаввуфӣ истилоҳлар, ояту ҳадислар, мақолу архаизмлардан фойдаланиш услубий маҳоратини илмий асослаш ва очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жалолоддин Румӣнинг “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбек адабиётига кириб келиши, таржима қилинишининг сабаб ва омилларини, поэтик мазмун ва шакл янгилашнилари юз беришига кўрсатган адабий-эстетик таъсирини очиб бериш;

“Маснавийи маънавий” асарининг мавзулар мундарижаси ва ғоявий-

Кўчибоев А. Бадиий матн таржимасининг прагматик аспекти / Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд, 2015. – Б. 123.

⁶ Комилов Н. Румӣни англаш иштиғи. // Жалолоддин Румӣ. Маънавий Маснавий. Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 5 –13; Покиза «Маснавий»га бир назар // Жалолоддин Румӣ. Маънавий Маснавий. Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.14 –15; Маҳкам Асқар. Таржимондан. // Жалолоддин Румӣ. Маънавий Маснавий. Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.16 –18; Доктор Абдулризо Сайф. «Маснавий»да Исо Масиҳ сиймоси.//Сино журнали. – 2001. – №, 3. Куз. – Б.22–27; Маҳкам Асқар. Шамс ва Мавлоно. // Сино. – 2003. – № 12. Қиш. – Б.17-19; Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи. Шайх Одина Муҳаммад Хоразмӣ. Мифтоҳул-асрор. («Маснавийи маънавий» тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Мусиқа, 2006. – Б.4–9; Бобоҷонов Л. Буюк бобокалоним илмий меросини ўрганиш йўлида. Шайх Одина Муҳаммад Хоразмӣ. Мифтоҳул-асрор. («Маснавийи маънавий» тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2006. – Б.342-345; Алимбеков А. Авлиёлар халқнинг хужжатиدير. Радий Фиш. Жалолоддин Румӣ. Рус тилидан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005. – Б.228-237; Тақий Пурномдориён. «Маснавий»ни дунё ўқиб-ўрганмоқда. Мавлоно Жалолоддин Румӣ. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Фан, 2005. – Б. 355-359.

⁷ Усмон О. Маънавият денгизи. Мавлоно Жалолоддин Румӣ. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: ЎЗР ФА Фан, 2005. – Б. 5-13; Ҳаққулов И. «Миллати ишқ барча динлардан жудо...» Мавлоно Жалолоддин Румӣ. Маснавийи маънавий. Олтинчи китоб. – Төхрон: Ал-Худо халқаро нашриёти, 2004. – Б.441-446; Очилов Э. «Маснавийи маънавий» тақдимоти. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002. – № 6. – Б. 95-96.

бадий, композицион тузилиши билан боғлиқ хусусиятларни белгилаб кўрсатиш;

Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари юзасидан ўзбек тилида амалга оширилган таржималарини ўрганиш асосида уларнинг вариантлари бевосита-билвосита, диахрон-синхрон, шеърий-насрий эканлигига, шоир-мутаржим ёки олим томонидан ўгирилганлигига ҳамда ҳажмига кўра таснифлаш ва тавсифлаш;

асарда қўлланилган маънавий ва лафзий санъатлар, вазн ва қофия турлари, радиф кабиларни таржимада қандай бериш талаб ва усуллари, уларни ўғирмада сақлаш муаммоларини аниқлаш;

қайта таржимада тил ва услуб масалаларини “Маснавийи маънавий” ўғирмасида халқ мақоллари, архаизмлар, исломий-тасаввуфий тушунчаларга алоқадор сўзлар таржимаси мисолида ёритиш;

“Маснавий маънавий” таржимасида оят ва ҳадисларни ифодалаш тамойилларининг ўзига хос томонларини далиллаш;

Жамол Камол таржималари мисолида шоир-мутаржим фаолиятида юзага чиқадиган индивидуал белгилар, таржимон ва ижодкор психологиясининг синтезлашиши, зуллисонайнликнинг аҳамиятини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарининг Р.Никольсон томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни ҳамда унинг Жамол Камол томонидан тўлиқ амалга оширилган ўзбекча таржимаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ҳамда унинг Жамол Камол томонидан амалга оширилган тўлиқ ўзбекча таржимаси ва бошқа мутаржимлар томонидан ўзбекчага ўгирилган матнларнинг қиёсий бадий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, тавсифий-микдорий, концептуал, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

“Маснавийи маънавий” асарида қўлланилган маънавий (талмех, муболаға) ва лафзий (иштиқоқ, китобат) санъатлар, вазн ва қофия турлари, радиф кабиларни таржимада қайта яратиш талаб ва усуллари асосида таржимон маҳорати очиб берилган;

асар таржимасида халқ мақоллари, архаизмлар, исломий-тасаввуфий тушунчаларга алоқадор сўзлар, оят ва ҳадисларни ифодалашда олим-таржимон ҳамда шоир-таржимон фаолиятидаги индивидуал белгилар, таржимон ва ижодкор психологиясининг синтезлашиши ҳамда зуллисонайнликнинг аҳамияти каби фарқли жиҳатлар очиб берилган;

“Маснавийи маънавий”нинг бевосита ва билвосита таржима вариантлари қиёсий аспектда аниқланиб, диахрон-синхрон, шеърий-насрий, ҳажм хусусиятлари тасниф асосида аниқланган;

мумтоз Шарқ шеърияти намуналарини таржима матнларида ҳозирги тилда адекват акс эттириш учун вазн, қофия, радиф, бадий тасвир воситаларини, архаизм ҳамда исломий-тасаввуфий тушунчаларни

ифодаловчи сўзларни ўгирмада сақлаш ва бериш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

“Маснавийи маънавий” асарининг туркийзабон халқлар маданий-маърифий оламига, санъат ва адабиётига ўзига хос тарзда кириб келиши, унинг туркий халқларга адабий-эстетик таъсирининг ижтимоий-психологик омиллари, асарнинг турли вақтлар ва ҳар хил мутаржимлар томонидан таржима қилинганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” таржимаси мисолида олим-таржимон ҳамда шоир-мутаржим фаолиятидаги психологик индивидуалликлар, бунда синтезлашувчи ҳолатлар, зуллисонанликнинг аҳамияти асосланган;

тадқиқот натижалари “Маснавийи маънавий”да халқ мақоллари ва уларнинг таржимадаги ифодаси”, “Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили”, “Бобораҳим Машраб “Мабдаи нур” асарининг манбалари ва мавзулар олами”, “Маснавийи маънавий” – ўзбек тилида” номли монографияларда ўз аксини топган;

“Маснавийи маънавий”нинг Жамол Камол ва бошқа мутаржимлар томонидан ўзбек тилига қилинган таржималарига танқидий ва илмий баҳо берилиб, эришилган ютуқларнинг ўзбек таржимашунослигидаги ўрни очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Шарқ мумтоз асарлар таржима илмига, жумладан, Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарига оид ўзбек ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган фундаментал илмий-назарий қарашлар кенг ўрганилгани; тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи эълон қилган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, қўйилган муаммо қиёсий-типологик, тавсифий-миқдорий, концептуал, компонент таҳлил усуллари ёрдамида ечилганлиги, илмий – назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбек тилидаги таржималари тўлиқ аниқланганлиги, уларнинг шеърий кўринишларида поэтик ҳодисаларнинг сақланиши ва берилишида мутаржимларнинг маҳорати, ижодий ва услубий ёндашуви уйғунликда ёритилганлиги, мумтоз шеърий асарлар таржималарини прагматик мувофиқлик билан амалга ошириш масалаларини ҳал этиш ва шоир-мутаржим маҳоратини тадқиқ қилишда муҳимлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик”, “Ўзбек адабиёт тарихи”, “Бадий матн таҳлили асослари” каби ўқув фанлари бўйича олий таълим тизимига мўлжалланган дарслик, ўқув қўлланмалари ёзишда, дарс машғулотлари ташкил қилишда, маънавий кадрларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жалолоддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржималари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жалолоддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг таржима қилиниши, асарнинг мумтоз адабиётга кириб келиши, адабий-эстетик таъсирнинг ижтимоий-психологик омиллари, ўзаро адабий алоқа ва бадиий таржималарнинг ўрни, Истиқлол даври ўзбек ижодкорларининг таржимашуносликка қўшган ҳиссасига оид илмий –назарий хулосалардан Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 19.03.260-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқ мумтоз шоирлар анъаналари тарихини, унинг истиқлол давридаги давомийлигини асослаш бўйича хулосалар чиқаришга хизмат қилган;

Жалолоддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридаги қадимий ривоятлар, афсоналар ва ўтмиш авлодларнинг орзу истакларининг бадиий талқинига оид илмий материаллардан Ф1-ХТ-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 19.03.260-сон маълумотномаси). Натижада, Жалолоддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари халқимиз бадиий тафаккурида муҳим ўрин тутганлигига мисоллар асосида ойдинлик киритилган;

“Маснавийи маънавий”нинг Машраб, Шоислом Шомуҳаммедов, Алибек Рустамов, Жамол Камол, Асқар Маҳкам, Мирзо Кенжабек, Эргаш Очилов, Вазира Шодиева, Сулаймон Раҳмон, Одил Икром амалга оширган ўзбекча таржималарини поэтик, услубий хусусиятлари жиҳатидан қиёслаш асосида Жамол Камол шеърий таржимасининг бадиий мукамаллиги ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографиясининг (7 жилд) чоп этиш” (2017-2018) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 19.03.260-сон маълумотномаси). Натижада, Румийнинг халқимиз бадиий тафаккурини юксалтиришдаги ўрни, ёш авлод маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилган;

Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур яратиш ва маълумотлар базасини шакллантиришда муаллифнинг DGU 2020 1327 рақамли талабнома (04.08.2020) асосида “Mavlono Jaloliddin Rumiy – “Masnaviyi Ma’naviy”. Jamol Kamol tarjiması” мавзусида тайёрлаган илмий матнидан фойдаланилган. (“Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturning rasmiy ro’uxatdan o’tkazilganligi to’grisidagi Guvohnoma. № DGU 08863. Ўзбекистон Республикаси электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар реестрида 24.08.2020 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган) (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги № 19.03.260-сон

маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг маълумотлар базаси бойитилган.

Румий каби иждоқорлар асарларининг айрим ғоявий-бадиий хусусиятлари, уларда умуминсоний ғояларнинг поэтик талқинига хос тушунчалар, инсонни маънавий камолотга етакловчи омиллар ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан “Бухоро” телеканалининг “Долзарб мавзу”, “Интервью плюс”, “Ассалом Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28 декабрдаги 1/337-сон маълумотномаси). Натижада, мумтоз шоирларнинг ахлоқий фазилатлар ҳақидаги бир қатор қарашлари таҳлиллар асосида ёритилгани телетомошабинларнинг қизиқишини орттириб, кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини кучайтиришга хизмат қилган;

“Маснавийи маънавий” манзумасида қўлланилган халқ мақолларининг аслият ва таржимада берилишини олий таълим муассасалари талабаларига тушунтириш учун яратилган “Мақолларни “синквейн” усулида ўргатиш” мавзусидаги усулий қўлланмада таржима таълимини ташкил қилиш ва йўлга қўйиш мақсадида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 19.03.260-сон маълумотномаси). Натижада, “Маснавийи маънавий” асарида келтирилган мақоллар, афоризмлар, ҳикматли ҳикоятлар таҳлилга тортилиб, уларнинг моҳияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича 53 та илмий иш, 5 та монография, 4 илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 270 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Маснавийи маънавий**” ва ўзбек адабиёти” деб номланган бўлиб, илк фасли “Маснавийи маънавий”нинг мавзулар мундарижаси ва тузилиши” деб аталган. Бу фаслда кўп асрлик тарихга эга туркий ва форсий мумтоз адабиёт оламида шариат ва тариқат ҳукмига мувофиқ келувчи илоҳий-ирфоний ғоялар ташвиқиға бағишланган бадий ижод намуналарининг аксарияти ижодкорларнинг илоҳий олам асроридан олинган табиий завқи, унга интилиши маҳсули бўлса, бир қисми мактаб ва мадрасалар таълимиға кўмак берадиган амалий қўлланмалар яратиш заруратидан дунёға келгани таъкидланган. Бу асарлар ичида ҳар икки жиҳатға кўра ҳам муҳимлик касб этадиган дурдоналардан бири буюк шайх ва шоир, тасаввуф илмининг алломаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си экани, Шарқ оламида бу асарнинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан кейинги мўътабар манба бўлгани учун унда Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмун-моҳияти тасаввуфий қарашлар билан уйғунлаштирилгани, комил инсон тарбияси билан боғлиқ олам ва одам, яралиш ва тириклик, ҳаёт ва мамот каби ўлмас, абадий муаммолар ҳақидаги чуқур фалсафий хулосалар баёни асарнинг ҳамма замонлар учун аҳамиятли бўлиб қолишини таъминлагани ҳақида сўз юритилган. Дарҳақиқат, Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари пайдо бўлиши биланок, мусулмон халқлари томонидан бадий сўз санъати оламида буюк мўъжиза сифатида кутиб олинди. Румийшунослар бу асарни “Форсий Қуръон”, “Тасаввуф қомуси”, “Маънавият денгизи”, “Дунёнинг китоби” каби номлар билан улуғладилар. Мазкур бадий яратмадан завқланиш, унда ифодаланган умумбашарий фазилатлардан ибрат олиш, Румий сатрлари билан ўз халқини ошно этиш қутлуғ анъанаға айланди. Балхда туғилиб, Румда балоғат пиллапояларига кўтарилган бу улуғ шайхнинг довуғи Ғарбда ҳам кенг ёйилди. Натижада “Маснавийи маънавий” таъсирида яратилган ёки унинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турадиган жуда кўп бадий дурдоналар майдонға келди.

Ана шу йўналишда “Маснавийи маънавий”ға шарҳ ёзиш, уни наср ёхуд назмда тўла ёки парчалар ҳолида бошқа тилларға ўгириш анъанаси ҳам туради. “Маснавийи маънавий”ни Ғарб оламиға таништиришда Ж. Ҳаммер, Ж. Родхоуз, Н. Винфельд, Р. Никельсон, Артур Жон Арберри, Уильям Жонс, Жеффри Хаусер, Клемент Ҳуарт каби олим ва мутаржимларнинг хизмати катта бўлса, асарнинг Мунши Али томонидан “Боғи Эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштиий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (“Юсуф кўйлаги”) номи билан урду тилиға, Юсуф Хароботий томонидан “Маснавийи Хароботий” номи билан уйғур тилиға таржима этилиши Шарқ ва Ғарб халқлари маънавий ҳаётида катта ҳодиса бўлди. Ўзбек мумтоз адабиёти, унинг улуғ арбоблари ижодий фаолиятида ҳам буюк шоирға издошлик кенг кўламда қулоч ёйди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Бобораҳим Мулло Вали ўғли Мащрабнинг “Мабдаи нур” асарини кўрсатиш кифоядир. “Маснавийи маънавий”нинг пурҳикмат байтларига шарҳ бериш масаласида ҳам бир қатор қимматли ишлар амалға оширилди. Айни йўналишда XVIII асрда Хоразмда яшаб, фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-

асрор” асари алоҳида эътиборга лойиқ.

XIII асрда яратилган “Маснавийи маънавий”га издошлик, ундан таъсирланиш, унга жавоб айтиш, шарҳу изоҳлар ёзиш, уни таржима қилиш ўзига хос адабий анъана сифатида шаклланиб, ҳозирга қадар давом этаяпти. Фикримизнинг далили сифатида форсий адабиётнинг моҳир мутаржими Асқар Маҳкам томонидан амалга оширилган таржима ва изоҳни қайд қилиш жоиздир. “Маснавийи маънавий” 2002 – 2005 йилларда шоир-таржимон Жамол Камол томонидан ҳам ўзбек тилига ўгирилиб, кенг ўқувчилар оммасига биринчи бор олти китоб ҳолида⁸, иккинчи бор бир китоб шаклида⁹ ва учинчи бор икки китоб шаклида¹⁰ етказилди. Бу таржима олти китоб ҳолида Туркия Республикасининг Кўнё шаҳрида нашр этилди¹¹.

Дастлабки тадқиқотларнинг натижасига кўра, “Маснавийи маънавий”нинг таркибида 957 сарлавҳа келтирилган. Сарлавҳалар “ҳикоя”, “масал”, “муножот”, “оят ва ҳадис тафсири”, “ривоят қиладилар”, “баёни”, “жавоб”, “шу ҳақдаким”, “қиссаси” каби номланган. “Маснавийи маънавий” олти дафтар (китоб)дан иборат: Биринчи китоб (дафтар) – 4018 байт. Иккинчи китоб (дафтар) – 3825 байт. Учинчи китоб (дафтар) – 4810 байт. Тўртинчи китоб (дафтар) – 3855 байт. Бешинчи китоб (дафтар) – 4240 байт. Олтинчи китоб (дафтар) – 4930 байт. Асар таржимаси жами 25678 байтдан ташкил топган. Олти дафтар – китобдан иборат асарнинг ҳар бирида қисқача муқаддима бор. Муаллиф ўз мақсад-муддаосини китобхонга етказиш учун ривоят, ҳикоят шаклида шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат билан боғлиқ, одоб, ахлоқ ва ўзликни англаш хусусида фикр-мулоҳазалар юритган. Шунинг учун “Маснавийи маънавий” аниқ бир сюжетдан иборат эмас. Адиб ҳикоя ичида ҳикоя, ривоят ичида ривоят, оят ичида ҳадис, ҳадис таркибида халқ мақоллари, халқона масаллар ва ҳоказоларни келтириш билан ўз ниятини ўқувчига етказди. Бу ҳақда тожик адабиётшуноси Расул Ҳодизода ёзади: “Маснавий” монанди дигар асарҳои фалсафӣ ё дostonҳои сӯфиёнаи Саной ва Аттор сохти композиционии муайян надорад. Муаллиф масъалаҳои чудогоноро бо тартиби муайян ба бобу фаслҳо чудо накардааст. Аз ҳамин сабаб доир ба як масъала фикру муҳокимарониҳои ўро дар ҳар чои “Маснавий” пайдо кардан мумкин аст”¹². (Мазмуни: “Маснавий” бошқа фалсафий асарларга ўхшаб, ё Саной ва Атторнинг сӯфиёна дostonлари каби бирон аниқ композицион сюжетга эга эмас. Муаллиф масалаларни бадиий

⁸Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: ЎзР ФА Фан, 2005. – Б.368; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. –Б. 335; Учинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА Фан, Эрон Ислom Республикаси Ал-Ҳудо халқаро нашриёти, 2003. –Б. 431; Тўртинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА Фан, Эрон Ислom Республикаси Ал-Ҳудо халқаро нашриёти, 2003. –Б. 350; Бешинчи китоб. – Техрон: Ал-Ҳудо, 2004. – Б. 400; Олтинчи китоб. – Техрон: Ал-Ҳудо, 2004. – Б. 454.

⁹ Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: MERIYUS, 2010. – Б. 864.

¹⁰ Мавлоно Жалолоддин Румий. Биринчи дафтар, иккинчи дафтар, учинчи дафтар. Таҳрир ҳайъати. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2014. – Б.448; Мавлоно Жалолоддин Румий. Тўртинчи дафтар, бешинчи дафтар, олтинчи дафтар. /Таҳрир ҳайъати. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2014. – Б. 469.

¹¹Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-6 китоблар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Кўнё: Кўнё шаҳри ҳокимияти, 2009.

¹²Чалолоддин Румӣ. Ҳикоятҳои халқии “Маснавий”. – Душанбе. Тоҷикистон, 1963. – С.10.

тасвирлар экан, аниқ бир тартибга риоя қилмайди ва боб, фаслларга ажратмайди. Шу сабаб унинг битта масалага доир фикрини ё муҳокамасини “Маснавийи маънавий”нинг ҳар қаерида кўриш мумкин).

Адабиётшунос Н.Комилов: “Маснавийи маънавий”да бир неча юз ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Қуръони каримнинг юзлаб ояти тилга олиниб, тафсир этилган. 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. Кўз олдимизда ҳам Калом илмининг улуғ билимдони, ҳам тасаввуф таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиққан ориф инсон ва ҳам муқтадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, ҳикоятлардан Румий фавқуллода фалсафий-сўфиёна маънолар чиқаради, теран тафаккури доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. “Қуръоннинг уч қабат ботиний маъноси бор”лигини қайд этиб, шу маъноларни изчил тушунтиради.¹³ Адабиётшунос ва таржимон Э.Очиловнинг ҳам бу борадаги фикр-қарашлари шунга ҳамоҳанг.¹⁴

Адабиётшуносларнинг фикр-мулоҳазалари ва изланиш жараёнида маълум бўлдики, “Маснавийи маънавий”да адиб бирон мақсадини ифодалаш жараёнида, дарҳақиқат, Қуръони карим суралари, оятлари ва ҳадиси шарифдан бадий восита сифатида кенг фойдаланган. “Румийнинг ҳар бир мисра, байтлари зоҳирий ва ботиний тағмаъноларга эга. Мавлононинг “Бир байти шарҳи бир дафтар бўлади”.¹⁵

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Маснавийи маънавий”нинг ўзбек адабиётига таъсири** деб номланган. Бу фаслда Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкираларида Жалолоддин Румий ҳаёти, адабий меросига оид келтирилган маълумотларга¹⁶ эътибор қаратилган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида у ёки бу шоир ижоди хусусида сўз юритар экан, Румийни ёдга олади. Қосим Анворнинг Румий “Маснавий”си вазнида маснавий ёзганлиги¹⁷, Ҳусайн Хоразмийнинг Румий “Маснавийи маънавий”сига шарҳ битганлиги¹⁸ ҳақидаги мухтасар, аммо муҳим маълумотларни қайд этади.

Яна Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийга бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг иккинчи мақолотида ҳам Мавлоно Румий ҳақидаги самимий сатрлар борлиги ҳам диққатга сазовор. Унда ҳазрат Навоий ўзи ва устози Жомий томонидан “Маснавийи маънавий”нинг илк байтига ўзига хос тарзда тазмин битилганлиги хусусида ҳам ёзган.¹⁹ Булар Алишер Навоийнинг устод Румий ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни ўргангани, турли муносабат билан талқин қилгани, шоир маънавий меросидан илҳомланиб, асарлар ҳам яратганлигини намоён этади.

¹³Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи. Жалолоддин Румий. Маънавийи маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (таржима шарҳи билан). – Т.: Шарқ, 2009. – Б.12.

¹⁴Очилов Эргаш. Жалолоддин Румий. (Рисола). – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2014. – Б. 9.

¹⁵Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Учинчи нашри. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2014. – Б. 41.

¹⁶Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат.– Т.: Фан, 2001. – Б. 325-329.

¹⁷Насойим ул-муҳаббат, – Б. 11.

¹⁸Насойим ул-муҳаббат, – Б. 13.

¹⁹Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн бешинчи жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин.– Т.: Фан, 1999. – Б. 31-32.

Ҳазрат Алишер Навоийдан кейин ўзбек тилида ҳам «Маснавийи маънавий»ни шарҳлашга уринишлар бўлган. “Маснавийи маънавий”га ўзбек тилида илк шарҳни Камолиддин Ҳусайн Хоразмий ёзган. Лекин у “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор”да манзуманинг фақат уч дафтарини шарҳлаган. Бундан ташқари, Яъқуб Чархий ҳам “Маснавийи маънавий”даги най тимсолини шарҳлаб рисола ёзган. Яна Машрабнинг “Мабдаи нур”, Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарлари шулар жумласидандир.

Абдурауф Фитрат адабиётшунос ва машрабшунос сифатида Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” асари хусусида шундай ёзади: “Энди Машрабга нисбат берилган “Мабдаи нур” китобига кўчайлик. 1912 йилда Бухорода тошбосмада босилган бу китоб машҳур Жалолиддин Румийнинг маснавийсиға ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир. Жалолиддин Румийнинг маснавийсидан баъзи байтлар олинган. Ҳар байтининг форси(й)ча матнидан кейин айнаи вазнда ўзбекча манзум шарҳ бошланадир. Шарҳда Жалолиддин Румийнинг сўфиёна рамзлари изоҳ этилади”.²⁰

Абдурауф Фитрат айтганидек, Бобораҳим Машраб “Мабдаи нур”да Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида аввал форсча 40 байтни келтириб, сўнг уни ўзбекчага таржима қилган. Баъзи байтларни таржимасиз изоҳ билан берган.²¹ Ҳар иккала асарнинг йигирмадан ортиқрок ривоятлари мазмун жиҳатидан бир-бирига мос келади.

Машрабшуносликда эътироф этилган хулосаларга кўра, “Мабдаи нур” буюк шайх ва шоир Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарига жавоб тарзида дунёга келган. “Мабдаи нур”даги биринчи дафтар 3070 байтдан ташкил топган бўлиб, унда Румий “Маснавийи маънавий”сидан олинган 19 байт жой олган. Асар 22 муқаддима (872 байт), 52 ҳикоят (1881 байт), 16 ғазал (272 байт), 3 мустаҳзод (иккитаси ўзбекча, биттаси арабча, 23 байт)ни ўз ичига олган.

Мустақилликкача Румий ижодига муносабат бир томонлама бўлиб, адиб асарлари кўпинча юзаки ўрганилган. Адабиётшунос Н.Комилов айрим тадқиқотларидаги фикрнинг тасдиғи учун “Маснавийи маънави й”дан “Тўрт йўловчи” ривоятини келтиради. Шу даврда яна мутаржим Ш.Шомухамедов буюк сўз санъаткори – Жалолиддин Румийнинг бир неча ғазал, рубоий ва ҳикоятларини ўзбек тилига ўгирди.²²

Ўзбек халқини Румий ҳаёти ва ижоди билан таништиришда Жамол Камолнинг хизматлари катта. У бу хайрли ишни Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” номли тарихий-биографик романини таржима қилишдан бошлаган эди.²³ 1991 йилда Жамол Камол форс-тожик тилида қалам тебратган 9 нафар мумтоз шоир ижодидан 333 та рубоийни мумтоз

²⁰ Абдурауф Фитрат. Танланган асар. 2 жилд. Илмий асарлар. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 102.

²¹ Тўхсанов Қ. Мабдаи нур асарининг мундарижаси ҳақида. Филология ва усулиёт масалалари. Илмий-усулий мақолалар туплами. 1-китоб. – Т.: Фан, 2008. – Б. 32-36.

²² Инжулар уммони (Форс-тожик шоирлари асарлари таржималаридан намуналар). – Т.: 1988. – Б. 210-251.

²³ Фиш Р. Жалолиддин Румий (Тарихий-биографик роман). Русчадан Ж.Камол таржимаси. – Т.: 2016. – Б.368.

рубойинавислик анъанаси ва рубой таржимачилиги тажрибаларига таянган ҳолда аслига мувофиқ таржима қилиб нашр эттирди. Улар орасида умумий қаламига мансуб 53 та рубой ҳам мавжуд²⁴. 1994 йили эса унинг таржимасида мутасаввуф шоирнинг “Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман” номли шеърлар тўплами босилиб чиқди²⁵. Ана шундай босқичма-босқич амалга оширилган узоқ тайёргарликдан сўнг шоир-таржимон “Маснавийи маънавий” таржимасига киришди.

Асқар Маҳкам туркиялик румийшунос олим Обиддин Пошшо ва эронлик мавлавийшунос Карим Замонийларнинг шарҳларидан фойдаланган ҳолда “Маснавийи маънавий” биринчи китобининг бир қисмини 1999 йилда ўзбек тилига ўғирди.²⁶

Умуман айтганда, истиқлол йилларида ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида Румий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини таржима қилиб, нашр этишда алоҳида давр бошланди, дейиш мумкин. Ориф Усмон²⁷, Ҳ.Ҳомидий, Н.Комилов, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Т.Қаҳҳор, Р.Жумаев, Э.Очилов, Х.Ҳамидов, У.Саидов каби олимлар илмий тадқиқотларини эълон қилдилар. Бу соҳада яна А.Тилавов, Ж.Муҳаммад, С.Мейлиева, С.Бозороваларнинг ўзига хос хизматлари бор. Румий асарлари ва ижодига

²⁴. 333 рубой (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Т.: 1991 – Б. 54-63.

²⁵ Жалолоддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. (Ривоятлар ва рубойлар). – Т.: 1994. – Б. 45.

²⁶Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-китоб Асқар Маҳкам. (Таржима шарҳи билан). – Т.: 1999. – Б. 368.

²⁷Усмон О. Мавлавия тариқати // “Шарқ машъали”. – 1998. – № 3–4. – Б.62-67; Усмон О. Маънавият денгизи. Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: 2001. – Б.5-21; Ҳомидий Ҳ. Маънавият пешвоси. Кўҳна Шарқ дарғалари (Бадий-илмий лавҳалар). – Т.: 1999. – Б. 105-109; Ҳомидий Ҳ. Жалолоддин Румий. Тасаввуф алломалари. – Т.: 2004. – Б. 132-137; Ҳомидий Ҳ. Маънавият пешвоси. Кўҳна Шарқ дарғалари. Бадий-илмий лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1999. –Б.105-109; Ҳомидий Ҳ. Умр ёдгорлиги. Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий. II китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – Б. 5 –7; Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи. Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-китоб (Таржима шарҳи билан). – Т.: 1999. – Б.5 –12; Комилов Н. Тафаккур хазинаси (Сўзбоши) Мавлоно Жалолоддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Т.: 1997. – Б. 4-8; Комилов Н. Мақсад – Ҳаққа етишмоқ. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: 1999. – Б.23–33; Комилов Н. Румий, Навоий ва Боккаччо. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият, 1999. – Б. 150 -156; Комилов Н. Муҳим тадқиқот. Муҳаммад Йстеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2001. – Б. 3–4; Комилов Н. Жалолоддин Румий “Маснавийи маънавий” асаридан ҳикоятлар. Жалолоддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолоддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т.: 2007. – Б. 35-48; Комилов Н. Бу қадимий санъат. Рисола. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.190; Ҳаққул И. Башарият шоири // “Шарқ машъали”. – 1998. – Б.3–4; Ҳаққул И. Рухи хур, ирфони хур шоир. Ирфон ва идрок. – Т.: 1998. – Б. 49–65; Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти. Мумтоз сўз кадри (Адабий-илмий мақолалар). – Т.: 2004. – Б. 24-33; Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти. – Жаҳон адабиёти. – 2001. 12-сон. – Б. 162-167; Қаҳҳор Т. Рухоният шоири (Сўнгсўз) Жалолоддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман (Ривоятлар ва рубойлар). – Т.: 1994. – Б. 35-47; Жумаев Р. Мавлоно Жалолоддин Румий. – Т.: 2003. – Б. 62; Жумаев Р. Румий ва Машраб. Мумтоз адабиёт масалалари. 1-китоб. – Т.: 2006. – Б.73–82; Очилов Э. Жаҳон адабиётининг муаззам сиймоси. Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2008. – Б.3–19; Очилов Э. “Маснавийи маънавий” таржимасида шакл ва мазмун бирлиги // “Ўзбек тили ва адабиёти”. – 2010. – №6. – Б. 23–32; Очилов Э. Жалолоддин Румий асарлари ўзбек тилида // “Адабиёт кўзгуси”. – №10. – 2010. – Б. 80–90; Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б.424; Хамидов Х.С. Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридаги ҳикоятларнинг генезиси, мазмуни ва композицион қурилишининг қиёсий таҳлили: Филол. фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2019. – Б.51; Ҳомидов Ҳ., Очилов Э. Румий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 2004. 7-жилд. – Б. 385-386; Саидов У., Саидов Э. Ўзбекистонда румийшунослик // Сино. – 2006. – Ёз (№ 22). – Б.24-27.

бағишланган бир қатор китоблар туркий тилдан ўзбекчага ўтирилди.²⁸ “Маснавийи маънавий” асарининг айрим байтлари ва ҳикоялари Х.Қосим ва А.Раҳимбоев томонидан насрий баёнда чоп этилди.²⁹

Биринчи бобнинг учинчи фасли “**Асарнинг ўзбекча таржималари**” деб номланади. “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржималари хусусида сўз борар экан, аввало, Машрабнинг “Мабдаи нур” манзумасини эслаш кифоя. Бизнинг давримизда бу ишни Ш.Шомухаммедов, Мирзо Кенжабек, А.Маҳкам, Ж.Камол, С.Раҳмон, В.Шодиева, О.Икром ўз таржималари билан кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. Ўзбек адабиётида “Маснавийи маънавий” тўлиқ ҳам, баъзан ундан парчалар олиб ҳам таржима қилинди. Н.Комилов, А.Тилавов, С.Бозорова, Х.Қосим, С.Мейлиева, А.Раҳимбоевлар буюк мутасаввуф шоир назмий меросидан насрда таржима қилиш ва шарҳу талқин этишга муваффақ бўлдилар.

“Маснавийи маънавий” боб ва ҳикоятларидан парчаларнинг шеърий ва насрий таржималари билан ўзбек китобхонини таништиришда А.Рустамов, Н.Комиловларнинг услуги ўзига хосдир. Масалан, тилшунос ва адабиётшунос А.Рустамов “Сўз хусусида сўз” деб номланган китобида ҳол илми ҳақида сўз юритиб, фикрини тасдиқлаш учун “Маснавий”нинг кириш қисми бўлган “Найнома”ни ўзбек тилига ўтирган. Адабиётшунос ва мутаржим Н.Комилов “Маснавийи маънавий”дан олти ҳикоянинг насрий баёни билан бирга талқинини ҳам келтирган.³⁰ У ҳам кўпинча ўз илмий мулоҳазаларини Румийдан келтирилган иқтибослар асосида далиллайди.

Ёш таржимонлардан Вазира Шодиева ҳам “Найнома”ни ўзбек тилига ўтирган. Шоир Сулаймон Раҳмон касбдошлари ишидан илҳомланган ҳолда “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилига ўтиришни бошлаб юборган эди.

“Маснавийи маънавий” асари Жамол Камол томонидан илк бор тўлиқ ўзбекчага шеърий ўтирилди. Ҳозиргача у уч бор нашр қилинди. Биринчиси олти китоб шаклида 2002-2005 йилларда чоп этилган. Асарнинг иккинчи наشري бир китоб шаклида 2010 йилда³¹ ва учинчи наشري икки китоб шаклида 2014 йилда³² амалга оширилди. Бу ўзбек тилидаги тўлиқ ва биринчи таржима

²⁸Жалолiddин Румий. Маснавий ҳикояларидан дарслар. 40 ҳикояга 40 шарҳ. Биринчи китоб. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Абдумурод Тилавов. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б. 104; Жалолiddин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. – Т.: Муҳаррир, 2008. – Б.71; Муҳаммад Истеълomий. Мавлоно Жалолiddин Муҳаммад Балхий. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон. 2001. –Б. 88; Жалолiddин Румий. Қалб кўзингни оч... Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Сабоҳат Бозорова. – Т.: Саностандарт, 2010. – Б. 160; Усмон Нурий Тўпбош. Бир кўза сув. – Т.: Фан, 2007. – Б.200; Жихан Ўкуюжи. Ичимиздаги Мавлоно. – Т.: Chashma Print, 2011. – Б. 147.

²⁹Жалолiddин Румий. Эпласанг, қочгил ўлимдин... Ҳикматлар. Насрий матн ва сўзбоши муаллифи Хайрулла Қосим. – Т.: 2009. – Б. 74; Жалолiddин Румий. Оқибат тупроқ бўлурмиз... “Маснавийи маънавий” ҳикматларидан. Нашрга Хайрулла Қосим тайёрлаган. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б.43; Мавлоно Жалолiddин Румий. Най ноласи. Ҳикматлар. Насрий матн муаллифи Хайрулло Қосим. – Т.: 2011. –Б. 120; Маснавийдан ибратли ҳикоялар. Таржимон: Абдуллоҳ Раҳимбоев. – Т.: Наврўз, 2015. – Б. 63.

³⁰ Комилов Нажмиддин. Жалолiddин Румий “Маснавийи маънавий” асаридан ҳикоятлар. (таржима ва талқин). Жалолiddин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолiddин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т.: 2007. – Б. 35 – 48.

³¹Мавлоно Жалолiddин Румий. “Маснавийи маънавий”. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т.: MERIYUS, 2010. – Б. 864.

³²Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. 1-3-китоблар. Тузатилган учинчи наشري. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2014. – Б.446; Мавлоно

бўлиб, халқимиз маънавий оламидаги катта ютуқлардан биридир. Мазкур таржима инглиз олими Р.Никельсон ва Эрон олими Муҳаммад Истеъломий томонидан амалга оширилган танқидий матнга асосланган.

Шоир Муҳаммад Али “Маснавийи маънавий”нинг биттагина ривоятини ўзбекчалаштирган.³³ Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети туркология бўлими 2-курсининг 16 нафар таржимон талабалари эса “Маснавийи маънавий” асаридан 49 та ибратомуз ҳикояни содалаштирилган кўринишда насрий баён қилишган.³⁴ Бу тўпламнинг иккинчи нашри ҳам чоп этилган.³⁵

Диссертациянинг иккинчи боби **“Асардаги шеърий санъатларни таржимада қайта яратиш талаб ва усуллари”** деб номланиб, биринчи фаслда **“Маснавий”даги маънавий ва лафзий санъатлар таржимаси**” аслият ва таржималар қиёси асосида ўрганилади. Асар жозибасини таъминлашга хизмат қилган ташбеҳ, мажоз, тажнис, истиора, тарсеъ, китобат, тавсиф, талмеҳ, тафсир, ирсоли масал, тамсил сингари образли тасвирий воситалар, шунингдек, асар оҳанги, қаҳрамонлар ички олами, ҳаракати ва руҳий кечинмаларини тасвирловчи киноя, муболаға, тазод, ружуъ, лирик чекиниш, нидо, такрор, савол-жавоб, қайтиш каби ифода воситаларининг аслият ва таржимада қай ҳолатда муқобил келтирилгани аниқланди. Зеро, муҳим шеърий унсурлар сифатида асар композицияси ва лирик асар сюжетининг шаклланишига ҳисса қўшадиган бу каби воситаларсиз асарнинг асл матни ҳам, шу матн таржимаси ҳам мукамал бўла олмайди. Юксак маҳорат билан яратилган асар таржимаси катта меҳнат ва машаққат талаб этади, бадий маҳорат қирралари яққол намоён бўлмаган таржима унинг мутаржимига шуҳрат келтириши ҳам мушкул.

Ҳазрат Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”да форс-тожик адабиётининг ўзигача бўлган ютуқларидан моҳирона фойдаланган ва ўзи яратган ҳар бир байтда уларни поэтик янгилашга ҳам муваффақ бўлган. Бу ҳақда тожик адабиётшуноси Р.Ҳодизода шундай ёзади: “Маснавий”-и Румий аз чиҳати бадеият ва санъати шеърӣ намунаи беҳтарини назми классикӣ аст”. (Таржимаси: “Румийнинг “Маснавий”си бадиият ва шеърӣ санъатлар жиҳатидан классик назмнинг энг зўр намунасидир”).

Мазкур фаслда Жамол Камолнинг ушбу асар таржимасида лафзий ва маънавий бадий санъатларни сақлаб қолиш маҳорати бошқа таржимонлар маҳорати билан қиёсий ўрганилиши натижасида зуллисонан шоир-таржимоннинг ўзбек ва форс-тожик тилларининг лингвистик грамматик хусусиятларини яхши билиши, ижодкор сифатида шеърӣ санъатларнинг поэтик моҳияти ва вазифаларидан тўлиқ хабардорлиги туфайли унинг ўғирмаси мукамал чиққани аниқланди.

Бобнинг иккинчи фасли **“Маснавий”да қўлланган қофияларни**

Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. 4-6-китоблар. Тузатилган учинчи нашри. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2014. – Б.448.

³³ Муҳаммад Али. Сайланма. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997. – Б.438.

³⁴ Жалолиддин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. – Т.: Муҳаррир, 2008. – Б.71.

³⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийдан ибратли ҳикоялар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2015. – Б.79.

таржимада бериш усуллари” деб номланади. Тадқиқот жараёнида қофияни таржимада бериш тўғрисидаги назарий маълумотларга таянган ҳолда, уни таржимадаги шеърий мисра ва байтларда ифода этиш, сақлаш муаммо ва ечимлари мисоллар асосида мутаржимлар маҳорати нуқтаи назаридан ёритилди.

Адабиётшунос ва таржимон Ш.Шомуҳаммедов ёзганидек: “Шеърда хижолаҳ нисбати жиҳатидан классик ўзбек ва тожик адабиётларида муштараклик бор”.³⁶ Бизнингча, бу ҳолат қофия ва радифни қўллашда янада яққолроқ намоён бўлади.

Қофиядош сўзлар шеърнинг ўртасида ёки кўпинча охирида келиб, оҳангдорликни ҳосил қилиши жиҳатидан ўқувчилар диққатини тортиб, уларга кучлироқ таъсир этади. “Улар шеърий матннинг хотирада узоқроқ сақланишига, ифодаланаётган маънонинг салмоқдорлигини таъминлашга хизмат қилишади. Қофия мисраларни жуфтлаб, композицион яхлитликка олиб келади, ритмик бирликни ниҳоясига етказиб, шеърий паузани ҳосил қилади, маъноларни мазмунан яқинлаштиради. Хуллас, қофия шеърнинг асосий унсурларини ўзаро алоқага киритиб, жўр қилувчи, барча экспрессив воситаларни бир жойга жамлаб, бир бутун кучга айлантирувчи воситадир”.³⁷ Инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи ва шеърий санъатларни изидан эргаштирувчи қофияларнинг аслият ва таржимасини қиёсий ўрганиш эса мутаржим маҳоратини баҳолаш билан бирга, асар поэтикасини тўғри тушунишга олиб келади.

“Маснавийи маънавий” Жамол Камол таржимасида кўпинча вазн талаблари ҳамда байт мазмунини аслиятга яқин ҳолда бериш ниятида адиб ишлатган қофияларни аслиятдагидек сақлаб қолиш асосида ўтирилгани кузатилади:

Пешкаш меорамат, эй маънавий,

Қисми содис дар тамоми маснавий (6, 559).

Аслиятда келтирилган байтда “маънавий” ва “маснавий” сўзлари қофия бўлиб келган. Мазкур қофиядош сўзлар асар номига дахлдор атамалар бўлганлиги боис мутаржим уларни аслиятдагидек қофиядош ҳолатида сақлашни маъқул кўрган. Агар шундай қилинмаганида, байт маъносига қусур етган бўлар эди. Моҳир мутаржим буни англаб, байтни қуйидагича таржима қилади:

Сенга пешкаш бўлғуси, эй маънавий,

Бул китоб, яъни якуни маснавий. (6, 271)

Шуни айтиб ўтиш керакки, аслида “содис” сўзи олтинчи тартиб рақамни билдиради, аммо муаллиф “Қисми содис” – “Олтинчи қисм” дея, уни қисм (таркиб) маъносида қўллаган.

³⁶Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 1973. – Б.44.

³⁷Саломов Ғ. ва бошқалар. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979. – Б.47.

Жамол Камол манзумани ўзбекчалаштирар экан, *Чаҳон-ниҳон, ҳиҶоб-офтоб, руҳзор-савор, хў-фитнажў, роҳзан-ватан, Раҳмон-шайтон, шитоб-савоб, осмон-чунон, ёрлик-меъморлик, фузул-Расул, ёдгор-беқарор, тариқ-шафиқ, тарийқ-шафиқ, тан-чаман, дун-фусун, наъл-лаъл, Набӣ-сабӣ, Набий-сабий, жиҳод-эътиқод, гувоҳ-Илоҳ, нисор-шикор, зоҳир-зофир, симок-пок, Самок-пок, пок-хок, парвариш-равиш, Худо-гадо, фарш-Ариш, қиём-салом* ва ҳоказо айрим қофияларни аслиятдагидек сақлаган.

Мутаржим таржима жараёнида *сочгай-очгай, луқмаси-хулласи, мақтагай-дегай, этгай-кетгай, аслини-пўстини, томон-ғумон, Жавлониймон, ўзин-кўзин, япроқни-тупроқни, нақлини-ақлини, узгил-чўзгил, топгай-чопгай, магар-зарар, соқиндир-эминдир, давом-мудом, доғлагай-боғлагай, бошлади-ушлади, кўмиб-юмиб, бузма-чўзма, намак-демак, ечгаймен-бичгаймен, зубор-эътибор, урган-қидирган, сургай-келтиргай, тоза-овоза сингари қофияларни ўзига хос маҳорат билан қўллаган. Баъзан эса қофиялар бурканиб-заиф, баён-давом, магар-ўшал, эп-эб, рост-халос, абад-беғалат, эътимод-сабот, мудом-дебон, имтиҳон-тамом, гувоҳ-аро, сахо-гувоҳ, нурбахш-дашт, ул-кетгусидир тарзида ҳижолар миқдори жиҳатидан мос эмаслиги ҳам кузатилади. Хуллас, “Маснавийи маънавий”ни ўзбекчалаштириш жараёнида ҳар бир мутаржим ўз истеъдод ва маҳоратини ишга солган ҳолда форс-тожикча байтлардаги қофияларни баъзан аслиятдагидек берса, баъзан уларнинг мос муқобилини топиб бергани аёнлашади. Айрим ҳолларда эса ижодийлик билан янги қофия ишлатадилар. Гоҳида қофияга қўшиб радиф ҳам қўллайдилар.*

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “**Таржимада радифни сақлаш муаммолари**” деб номланади. Бу фаслда “Маснавийи маънавий”да қўлланган радифларнинг кўринишлари, ўрни, поэтик вазибалари, таржимада ифодаланиши хусусида фикр юритилган. Бу жиҳатдан таржимонлар маҳорати қиёсланган. Айниқса, Жамол Камол маҳорати назардан ўтказилиб, мутаржимнинг аслиятдаги радифни унга мос ўзбекча муқобили билан бера олгани, баъзан эса аслиятдаги радифни тушириб қолдириш ёки унга янги радиф қўшиш усулларида фойдалангани далилланган.

Масалан, мутаржим аслиятдаги “кун” радифини ўзбек тилида унинг муқобили ҳисобланган “қил” сўзи билан ўгиради:

“Аз авонӣ мар варо **озод кун**,

Ончунон ки шодам, **ӯро шод кун**” (4, 343).

Таржимаси:

“Ҳар ёмонликдин уни **озод қил**,

Этди шод кўнглимни, сен ҳам **шод қил**” (4, 5).

Баъзан шоир радифсиз байтни радиф билан ўгиргани кузатилса, баъзан мавжуд радифни тушириб қолдириш ҳолати кўзга ташланади. Жумладан, тўртинчи китобдан олинган байт аслиятидаги “аст” радифи ўзбекчада “-дир” қўшимчаси билан муқобиллаштирилган. Бир сўзли радифларни кўп сўз билан

ёки аксинча, кўп таркибли радифларни бир сўз билан ифода этиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунингдек, такрор радифлар мавжуд.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли “**Маснавий**”даги шеърий вазннинг таржимада сақланиши” деб номланади. Вазн – шеърий матннинг асосий хусусияти бўлганлиги боис унинг таржимада берилиши ҳам эътиборли масалалардан бири ҳисобланади. У шеър шакли ва мазмуни, образли ифода воситалари, қофия ва радиф билан боғлиқлиги туфайли таржимада унга жиддий ёндашилади. Маснавийнависликда тўққизта вазн баҳри қўлланган. Танланган баҳрлар асарнинг оҳанги, ритми, воқеалар ифодаси, қаҳрамонлар руҳиятини бевосита ифодалаб келган. Шунинг учун таржимада асар вазнини бериш таржимондан катта меҳнат ва иқтидор талаб қилади. Бинобарин, “Хамса” дostonлари вазнига кирмайдиган рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнининг шуҳрат қозониши Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ-ут-тайр” ҳамда Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” дostonлари билан боғлиқ. Бу вазн кўпроқ тасаввуфий дostonларни яратишда қўлланади. Туркий шеъриятда бу вазн туюқ вазни сифатида ҳам маълум. Жамол Камол “Маснавийи маънавий” таржимасида ана шу вазн имкониятларидан фойдаланган.

Бишнав аз най/ чун ҳикоят / мекунад,
Аз Чудои / хо шикоят / мекунад (1, 16),

байтини шаклан ҳамда мазмуна аслига мувофиқ равишда куйидагича таржима қилган:

Тингла найдин, / чун ҳикоят / айлагай,
Айрилиқлар / дин шикоят / айлагай.
– V – – – V – – – V –

Кўриняптики, таржима сўзма-сўз аслига мувофиқ: бирор сўз ёки ибора у ёқ-бу ёққа силжимаган – “аз” – “дан” келишиқ кўшимчаси форсчада ажратиб, ўзбекчада эса сўзга кўшиб ёзилади (“аз най” – “найдин”, “аз Чудоихо” – “айрилиқлардан”). Шунинг ҳисобига аслият мисраларидаги сўзлар биттаданга камайиб, ўн сўздан иборат форсча байт ўзбек тилига саккиз сўз билан ўгирилган.³⁸

Асарнинг Машраб томонидан қилинган таржимаси ҳам асл матн вазнини нуқсонсиз сақлаб қолган. Асл матн ва таржима вазни солиштирилганда, аруздаги фонетик ҳодисаларнинг қўлланиш-қўлланмаслиги ёки таржимада вазни бериш учун бу ҳодисаларнинг кўп учрашини кузатиш мумкин. Асл матн:

Биш-нав аз най /чун хи-ко-ят /ме-ку-над
– v – – / – v – – / – v –
Аз Чу-до-йи/хо ши-ко-ят/ ме-ку-над
– v – – / – v – – / – v –

Асл матнда васл ва истиҳлоф ҳодисаси учрайди. Васл арабча “уланиш”

³⁸Очилов Э. Жалолиддин Румий. (Рисола) – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2014. – Б.18.

дегани бўлиб, арузда яратилган асарларни ифодали ўқиш жараёнида вазн талаби билан айрим ёпиқ ҳижолаар охиридаги ундошни ундан кейин турган ҳамда унли билан бошланган ҳижога қўшиб талаффуз этиш ҳодисасини англатадики, уни Румий асари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Машраб, А.Рустамов, А.Маҳкам ва Ж.Камол илк таржимасининг вазнга силлиқ тушганлиги матнни ўқиш жараёнидаёқ сезилади. С.Раҳмон таржимасида “Маснавийи маънавий” учун танланган вазн таржимада сақланмаган. Ш.Шомуҳамедов таржимасидаги вазн кузатилса ҳижолаар миқдори 11 та, бироқ вазни рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)га тушмайди. В.Шодиева ва О.Икром таржималарида вазн сақланган. Ҳатто О.Икром таржимасида аслиятдаги фонетик ҳодисалар ҳам кузатилмайди.

Ишнинг учинчи боби **“Қайта таржимада тил ва услуб масалалари”** деб номланади. Боб икки фаслдан иборат бўлиб биринчиси – **“Маснавий” таржимасида халқ мақолларининг ифодаси**”. Жалолиддин Румий ўз манзумасида юзга яқин халқ мақолларидан фойдаланган. Тадқиқот давомида йигирмадан зиёдроқ халқ мақолларининг аслияти билан таржимаси киёсланди. Кўпроқ Жамол Камол томонидан ўзбекчалаштирилган нусхалардаги халқ мақолларининг таржимада берилиши назардан ўтказилиши орқали таржимон бадий маҳоратининг муҳим қирралари ойдинлаштирилди. Румий нафс ҳақида сўз юритар экан, куйидаги байтнинг иккинчи мисрасида худди халқ мақолида айтилганидек “Моҳи аз сар ганда бошад, не зи дум”, яъни “Балиқ думидан эмас, бошидан айнийди” деган фикрни келтиради. Маълумки, унинг ўзбекча муқобили “Балиқ бошидан сасийди” ёки “Балиқ бошидан чирийди” тарзида қўлланади. Бу мақол, одатда, жамиятда ҳукмрон табақа вакиллари, оилада эса катталар хатоликларга йўл қўйганда айтилади. Таржимада мақолнинг ва у қўлланган байтнинг мазмуни ва шакли моҳирлик билан сақланган:

Нафси аввал ронд бар нафси дувум,
Моҳи аз сар ганда бошад, не зи дум. (3, 294)

Таржимаси:

Нафси аввал урди соний нафсга дўк,
Думдин эрмас, бошидин айнир балиқ. (3, 271)

Халқ атрофда пайдо бўлган нохушликларни кўрса, албатта, уни бартараф этиш учун келиб чиқиш сабабларини излайди.

“Балиқ бошидан сасир” мақолининг “Балиқ бошидан сасийди”, “Ёмон балиқ сув лойқатар” каби муқобиллари мавжуд. Форс-тожикча муқобили эса “Моҳи аз сар ганда гардад, не зи дум”дир. Аммо “Зарбулмасал” асари ва мақол китобида шундай изоҳ учрайди: “Фиску фасод аввал аз бузургон ва аз калонон сар зада, баъд боиси вайроншавии хурдон мегардад” (с. 303), яъни “Фисқ ва фасод аввал катталардан бошланади, кейин эса кичикларнинг бузилишига сабаб бўлади”. Булардан ташқари, унинг яна тожикча: “Об аз боло лой аст”, “Об аз бунаҳ тира аст”, “Об аз сар лой аст”, “Об аз сар тира аст” каби шакллари ҳам мавжуд. Шу боис мазкур мақолда жуда нозик масала бўлган тарбияда катталар ҳар бир хатти – ҳаракатни ҳушёрлик билан амалга оширишлари кераклиги ифода этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “**Асар тилидаги архаизмларнинг таржима хусусиятлари**” деб номланади. Румий яшаган давр билан ҳозирги давр оралиғида 800 йил бор. “Маснавийи маънавий” яратилган замонда форс-тожик тилининг луғат бойлиги, фонетик ва грамматик жиҳати ўзига хос бўлган. Румий форс-тожик тилини мукаммал билишидан ташқари, илоҳий китоб, ҳадиси шариф, араб, юнон, турк тилини ҳам кунт билан ўзлаштирган. Пайғамбарлар ҳаётию шайху сўфийлар ҳолидан, ўзидан олдин яшаган шоирлар ижодидан яхши хабардор бўлган, халқона урф-одат ва ўйинлар, ҳамда ривоятларни ёддан билган. Адиб “Маснавийи маънавий”да ўз кузатишлари, мақсад ва муддаоларини китобхонга етказиш учун ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалардан унумли фойдаланган уларни юксак шеърӣ санъатлар орқали бадиий ифодалашга муваффақ бўлган. Ўрни билан қадимги форс, турк, араб ва юнон афсоналарини ҳам келтирган. Шу боис асарда архаизмлар ниҳоятда кўп учрайди. Эскириб, истемолдан чиқиб қолган лексик, фонетик, морфологик, фразеологик ва семантик архаизмлардан бадиий адабиётда кўпроқ ўтмиш манзарасини акс эттириш, давр руҳини беришда услубий восита сифатида қўлланилади. Э.Очиловнинг таъкидлашича, таржимада архаизмлардан икки мақсадда: 1) мумтоз асарларни таржима қилишда; 2) тарихий мавзудаги асарларни таржима қилишда фойдаланилади.

“Мумтоз асарларни таржима қилишда архаизмлар тушириб қолдирилса, уни замонавийлаштириш асар қимматининг йўқолиб кетишига олиб келади. Демак, архаизмларнинг сақланиши ўтмиш обидаси сифатида муҳимдир.

Тадқиқот жараёнида мавзуга дахлдор масалани қиёсий ўрганиш мақсадида “Маснавийи маънавий” назардан ўтказилганда, унда анчагина архаик сўзларга дуч келинди. Буларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: **биҳил** – кечирши; **мезаҳад** – таваллуд топиши; **фатил** – ип, чирогнинг ипи; **сақф** – уйнинг шифти, осмондан киноя; **матбах** – ошхона, дунё, қисмат; **амроз** – мараз, касал, турли касаликлар; **аносир** – унсур, тўрт унсур: сув, олов, тупроқ, ҳаво; **мунбасит** – ёйлиши, хурсанд, шод бўлиши; **мултақит** – териб олувчи, ҳаз(қи) – баҳра, насиба, лаззат; **ижлол** – буюклик, эҳтиром қилиши; **дағов** – макр, ҳийла, фирибгар, маккор; **зафт** – семиз, катта жуссали, қўпол; **аккол** – ейдиган, кўп ейдиган; **заҳад** – сувнинг қайнаб ташқарига чиқиши, туғиши, нутфа, тифл, бола; **муқбил** – иқболли киши, бахтли инсон; **мунташир** – ёйлиши; **мустамир** – доимий, устувор, муқаррар; **мунқатеъ** – кесилган, узилган, айрилиб қолган, одамлардан узоқлашиши; **мухаллад** – домий, абадий, боқий, ҳамшиша; **мужтамеъ** – йиғиштирилган, устига-устак тўпланиши; **ахтор** – хатар, хавф, бим, қўрқиши, қадр, қиммат; **хабл** – ип, банд; **сақим** – бемор, касал, мараз, ожиз, нотўғри, хато; **падфўзпад** – мевасиз дарахт, кўк дарахт; **фўз** – фавз ҳайвонларнинг бурни; **рағиф** – ноннинг бир бўлаги, айлана нон; **мавқуф** – кейинга ўтказиши, бошқа вақтга ўтказиши, ушлаб туриши, маҳбус; **фатом** – ёш, гўзал, барно; **уқул** – ақл, ейиши, таомлар; **автон** – ватан; **ур** – кийимсиз, кийимсиз одам, камбагал; **газанда** – зарар, зиён; **ҳазин** – гамгин, андўх; **мустағос** – бировни ёрдамга

чақириладиган, додлаш, ёрдам сўраб чақириш; **роғиб** – рағбатлантириш, мойил, толиб; **қаловуз** – раҳбар, лашкардан олдин борадиган; **сафир** – ҳуштак чалиш, қушларнинг овози, чаҳ-чаҳ қилиши, гичирлаб овоз чиқариш; **макман** – яширадиган, пинҳон бўлиш; **ханин** – нола, йиғлаш; **момазо ё момазо** – ўтган вақт, ўтган нарса; **хавоич** – ҳожат; **фурч(ж)а** – очилган, икки нарса орасидаги очиқлик, вақт, фурсат каби.

“Маснавийи маънавий” асаридаги архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида Жамол Камол юқорида таъкидланган талабларни ҳисобга олган. Масалан:

Чун дар ӯ гоме занӣ беэҳтиёт,

Шири ту хун мешавад аз ихтилот (2, 120).

Ушбу байтдаги “гом” ва “ихтилот” сўзларининг биринчиси форс-тожик тилида ҳам ишлатилмайди. У архаик сўзга айланиб улгурган. Шу боис мутаржим уни “қадам” сўзи билан ўгирган:

Сен қадам қўйсанг агар беэҳтиёт,

Қон қилур оппоқ сутингни ихтилот (2, 138).

Мутаржим шоир “ихтилот” сўзини айнан ишлатган, унинг ўзбекча вариантини қўлламаган. “Ихтилот” сўзи аралаштириш, аралашган, яқинлик маъноларини билдиради. Бу сўз кофия бўлиб келганлиги боис таржимон уни аслиятдагидек қолдиришга қарор қилган.

Мутаржим архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида имкон қадар ҳар иккала тил хусусиятларини ҳисобга олишга ҳаракат қилган. Муқобил вариантга эга бўлмаган архаик сўзларни ўгириш осон эмас. Бу қийинчиликни Жамол Камол ўз шоирлик маҳорати ва бу таржима соҳасидаги катта тажрибаси эвазига енга олган.

Мутаржим шоир ўзбек тилида муқобил варианты мавжуд бўлган архаик сўзларни шу тушунча маъносини берувчи мос сўзлар билан ифодалашга муваффақ бўлган.

Таъкидлаш жоизки, мутаржим Жамол Камол “Маснавийи маънавий”ни таржима қилиш жараёнида асарда тасвирланган тарихий давр руҳини акс эттириш, қаҳрамонлар нутқининг табиийлигини таъминлаш мақсадида архаизмларни имкон қадар сақлаган.

Ишнинг “**Маснавий**”даги **исломий-гасаввуфий тушунчаларга алоқадор сўзларнинг таржимада берилиши**” номли тўртинчи бобининг илк фасли “**Маснавий маънавий**” таржимасида **оятларнинг ифода этилиши**” деб аталган. “Маснавийи маънавий” муаллифининг Аллоҳ исмлари ва сифатлари, шунингдек, пайғамбарлар зикрини тез-тез тилга олиши ҳам асарнинг илоҳий манбалар билан чамбарчас боғлиқ эканидан шаҳодат беради. Асарнинг фақат биринчи китоби мисолида фикр юритиладиган бўлса, унда Ҳақ (399 марта), Худо (126 марта), Раб (116 марта), Аллоҳ ёки Илоҳ (91 марта), Аҳад (5 марта), Мухаммад, Мустафо, Аҳмад, Расул, Набий (182 марта), Мусо (48 марта), Исо (92 марта) алоҳида эҳтиром ила зикр этилган. Бундай фикрни Нух (а.), Хизр (а.), Исмоил (а.) ва бошқа пайғамбарлар таърифи мисолида ҳам айтиш мумкин.

“Маснавийи маънавий”дек улкан дурдонанинг дунёга келиши учун Қуръони карим ва ҳадислар бирламчи манба вазифасини ўтаганлиги бу асарга умрбоқийлик бахш этган комил инсон тарбиясига йўналтирилган. Китоб матни назардан ўтказилганда, Мавлононинг Қуръони карим сура ва оятлари, шунингдек, ҳадиси шариф намуналарини, асосан, араб тилида келтиргани кўзга ташланади. Жамол Камол эса таржима жараёнида баъзан шу арабча сўз, ибора ва жумлаларни асл матндагидек айнан келтирса, баъзан уларнинг ўзбекча муқобилларини усталик билан топиб, мисралар бағрига сингдиради. Аммо қўлланган ҳар икки усул таржима мазмунига зиён етказмайди:

Баҳри талху баҳри ширин дар Чаҳон,

Дар миёнашон “барзахун ло ябғиён” (1, 23).

Таржимаси:

Баҳри талх, баҳри ширин ҳам мавжланур,

Лек қўшилмас, бир-биридин ажралур (1,16).

Таржимада аслиятдаги “Аммо у иккисининг ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар ўша тўсиқдан ошиб ўтмаслар” мазмуни акс этган “барзахун ло ябғиён” ояти ғоят усталик билан ўзбекчалаштирилган.

Диний-маърифий адабиётларда мазкур оятнинг турлича шарҳланганини кузатиш мумкин. Жумладан, Қуръони карим маънолари таржимони Абдулазиз Мансур унга: “Адан кўрфази билан Қизил денгиз туташган Боб ал-Мандаб бўғозида ва Атлантика океани билан Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи) туташган Жабали Торик (Гибралтар) бўғозида икки денгиз суви бир-бирига аралашмаган ҳолда оқар экан” тарзида изоҳ беради, “Мақолот” муаллифи Хожа Бектоши Валийнинг бу борадаги фикри эса ўзгачароқ. Жумладан, у оят мазмунини одам танаси билан боғлаб, шундай ёзади: “Одамнинг кўз ёши – шўр, кўз қорачиғининг суви шириндир, буларнинг иккиси ҳам бир жойдадир, аммо бир-бирларига сира қўшилмас. Чунки кўзнинг асли ёғдир, тузга муҳтождир. Кўз қорачиғининг суви ширин. Агар кўз ёши шўр бўлмаса эди, кўз хидланар; кўз қорачиғининг суви тотли бўлмас, кўз кўрмас бўлурди”.³⁹

Мазкур икки шарҳ мазмунидан маълум бўладики, юқоридаги байтда Аллоҳнинг яратувчилик мўъжизаси эътироф этилган. Таржимон гарчи оят матнини айнан келтирмаган бўлса-да, мисралар бағрига “Маснавийи маънавий” муаллифининг Аллоҳ қудратидан ҳайратланиш туйғусини сингдира олган.

“Маснавийи маънавий” бобларида ўзига хос композицион услуб устувор: муаллиф бирор ҳикоят, масал ёки оят ва ҳадис тафсирини келтирар экан, у баён, кириш ва бобдан иборат бўлади. Баъзи бобларда баён қилинаётган воқеа тафсилотига қўшимча тарзда уни далилловчи бошқа бир воқеа тафсилотига ҳам ўрин ажратилгани кўринади. Назардан ўтказилаётган бобда ҳам “Маснавийи маънавий” композициясининг ўзига хослиги намоён бўлади: муаллиф бобнинг 13 байтида оят тафсирига ўрин ажратади. Шундан

³⁹Хожа Бектоши Валий. Мақолот. Усмонли туркчадан таржима. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққул. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. – Б.36.

сўнг китобхонни муҳокама ва мулоҳазага чорлаб, кейин хулоса қисмига ўтади.

Мавлоно оятнинг умумий шарҳини 33 байт бағрига жо этган: “Аҳли дўзах ва жаннат – қўшни, лекин уларнинг ўрталарида бир чизик бор. Аҳли олов ва нур ҳам қўшилган, аммо ораларида Қоф тоғидек тўсиқ мавжуд. Ер тагида тупроқ билан тилло аралашган, бироқ ўрталарида қанча дала мавжуд. Мунчоқ бирлан дур ипда ёнма-ён бўлсалар ҳам, улар бир умр бирга эмаслар, балки меҳмондек бир нафасдирлар. Денгиз сувининг ярми шакардек ширин, мазали, ҳусни Ойдек гўзал. Ярим сувининг таъми эса илон захриддек аччиқ, мумга ўхшаб қоп-қора. Дўзах аҳли тор танларидан қочиб қутулишни хоҳлайдилар, улардаги зиддиятлар жон аччиғидандир. Осойишталик тилаб, қалблардан кинналарни суғуриб ташлашни хоҳлайдилар, аммо улардаги зиддият қалбдаги меҳрни йўқ қилиб ташлайди. Меҳр аччиқни тотли томон тортади, чунки меҳрдан тўғри йўлни излайдилар. Қаҳр ширинликни аччиқ томон тортади. Аммо аччиқ ва ширин бирга бўла олмайди, буларнинг оқибатини ҳисоб-китоб куни кўрасан...”.

Хуллас, “Маснавийи маънавий”да бундай сура ва оятларга мурожаат қилинган мисралар кўп. Жамол Камол бор кучи ва истеъдодини сарфлаб “Маснавий”ни ўзбек тилига ўғирар экан, нафақат байт ва мисралар мазмуни, балки унда келтирилган оятлар маъносини ҳам сақлаб қолишга интилган.

Диссертация тўртинчи бобининг “**Манзумадаги ҳадисларнинг таржимада берилиши**” деб номланган иккинчи фасли Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сида фойдаланилган ҳадисларнинг мазмун-моҳияти, асар ғоясини кучайтириш, бадииятини оширишдаги аҳамияти, таржимада берилиши ва сақланиши хусусида фикр юритилган.

Румий пайғамбаримиз (с.а.в)нинг “Мўъмин мўъминнинг ойнасидир” ҳадисига мувофиқ ёзади:

Мўъминон ойинаи ҳамдигаранд,
Ин хабар ме аз паямбар оваранд (1, 49).

Таржимаси:

Аҳли мўъмин бир-бирига кўзгудир,
Бу калом бизга Муҳаммад сўзидир (1, 47).

Кўринадики, Жамол Камол байт мазмунини шоирона моҳирлик билан таржимада сақлаган. Зеро, “Маснавийи маънавий” талқинига кўра, “икки дунёни яратган Парвардигор ҳамма ишга қодир. Шу боис қалбни унинг олдида пок тутмоқ, бадгумонликка бориб, охирида хижолатда қолиб, пушаймон бўлмаслик лозим. Чунки бутун сирлар Яратганга аён. Кимнинг қалби, дили тоза ва мусаффо бўлса, у Аллоҳ олдида ойнадир...”. Шу фикр тасдиғи учун Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадиси қўлланган:

Сирри моро бегумон мукин шавад,
З-он ки мўъмин ойина мўъмин бувад (1, 96).

Таржимаси:

Сирримизни ул кўриб, билмоғи чин,
Чунки мўъмин кўзгудир мўъмин учун (1, 102).

Жамол Камолнинг ушбу ҳадисни шаклан ва мазмунан мувофиқликда таржима қилгани байт таъсирчанлиги сақланишига хизмат қилган.

Мавлоно Жалолиддин Румий иккинчи китобнинг “Дебоча”сида “Маснавийи маънавий” ҳақида сўз юритиб: “Тил билан ҳар хил гапларни айтиб, чангни кўзғатиб ҳамма ёқни расво қилма, кўзларга зарар келтирадиган чанг-ғуборни кўзғатма”, – деб таълим берар экан, яна пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига мурожаат қилади:

Чунки мўъмин ойинаи мўъмин бувад,

Рўйи ӯ з-олудагӣ эмин бувад. (2, 120).

Таржимаси:

Чунки мўмин – кўзгуйи мўмин эрур,

Чанг-ғубордин ойина эмин эрур (2, 131).

Таржимоннинг маҳорати шундаки, машҳур ҳадис аввалги байтдан бошқача тарзда ўгирилган. Ҳолбуки, у икки байтда бир вариантни қўллаши мумкин эди. Лекин мутаржим бундай осон йўл тутишни ўзига эп кўрмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Румий ҳадиси шарифдан кенг фойдаланиб, унинг моҳиятидаги гўзал ҳақиқатларни тарғиб этишга саъй этган. Заҳматкаш таржимон Жамол Камол эса асар таркибидаги ҳар бир ҳадиснинг мазмунини ўзбек китобхонига осон етказишга ҳаракат қилган.

Тўртинчи бобнинг учинчи фасли “**Маснавий**”даги **диний-тасаввуфий истилоҳлар таржимаси**” деб номлади. Олдинги бобларда таъкидланганидек, “Маснавийи маънавий”да Қуръони каримнинг кўп сура ва оятлари тилга олинган бўлиб, уларга бадий жихатдан шарҳу изоҳ берилган. Муҳаммад Мустафо (с.а.в) томонларидан айтилган ҳадислар ва уларнинг ҳаётлари билан боғлиқ ривоятлар ҳам асарда ўз бадий ифодасини топган. Адиб манзумада Муҳаммад (с.а.в.) сўзини 52, Мустафо сўзини 137, Аҳмад сўзини 112, Расулulloҳ сўзини 14, Пайғамбар сўзини 138 марта тилга олиб ўтган. Шунингдек, бу зоти шарифнинг тўрт ёри босафолари Абубакр, Умар, Усмону Алий ва умр йўлдошлари Хадичаи Кубаро ҳаётлари ҳамда Шайх Аҳмад, Зуннуний Мисрий, Шайх Боязид, Иброҳим Адҳам, Ҳазрат Узайр, Дақукий, Баҳлул, Абдуллоҳ Мағрибий, Абу Язид, Абдулҳасан Ҳорақоний, Аёз, Шайх Ҳорақоний билан боғлиқ ривоятлар ҳам асардан ўринг олган.

Изланишлар жараёнида аниқланадики, адиб олти дафтарда “имон” сўзини 181, намоз сўзини 122, рўза сўзини 44, закот сўзини 33, ҳаж сўзини 22 марта қўллаган. Тасаввуфда Ҳақ йўлига кирганларни аҳлиulloҳ, аҳли ҳол, аҳли ботин, дарвеш, қаландар, фақир, авлиё, сўфий, шайх, солиқ каби номлар билан тилга оладилар. Асарда авлиё сўзи 106, фақир сўзи 69 ва бошқа истилоҳлар жуда кўп маротаба турли мақсадларда истифода қилинган.

“Маснавийи маънавий”да *мақомот, қурб, муҳаббат, шавқ, ҳол, қол, қол, унс, мужоҳида, жазба, маърифат, тавба, зуҳд, фақир, сабр, хавф, риждо, таваккул, ризо, қаноат, зикр, муроқабат, ориф, зоҳид, нафс, хилват, дарвеш, с ўфий, валий, толиб, солиқ, каромат, ҳақ, ҳақиқат, ботин, зоҳир, гайб, сир,*

асрор, ишқ, риёзат, таважжѐх, хилват, анжуман, футувват, имон, ҳилм, тақво, карам, сидқ, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, гайрат, муришид, иршод, мурид, ваҳдат, хирқа, яқин, мақом, дард, саҳв, “муту қабла ан тамуту”, фоний, боқий, абдол, авлиё, адам, адаб, азоб, амал, анбиё, арз, арш, асмо, ақл, агёр, аҳл, бало, бақо, бурҳон, васл, вақт, ваҳм, ворид, восил, вужуд, жалол, жамол, жилва, жунун, завқ, зот, ибодат, имон, илҳом, истиқомат, истиғроқ, ишорат, кавн, каишф, ладун, латифа, мавт, муҳаббат, нафас, нафс, ниёз, нур, огоҳ, озод, олам, рамз, риё, сайр, сакр, самоъ, сафар, сафо, сир, тавҳид, фақр, фитрат, хотир, яқин, қалб, ҳайрат, ҳақиқат, ҳижоб каби кўплаб тасаввуфий истилоҳлар ишлатилган.

Жамол Камол “Маснавийи маънавий” таркибидаги диний-тасаввуфий истилоҳларни таржима қилишга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошган эса-да, барибир баъзан таржимада тасаввуфий истилоҳлар маъноси тўлиқ ўз аксини топмаган. Ҳатто айрим ҳолларда таржимон улардан воз кечган. Масалан, “фақр” тасаввуфий истилоҳининг аслият ва таржимаси қиёсланганда, мутаржим мазкур сўзни тушириб қолдиргани маълум бўлди. Ёки “жаббор” сўзи ўрнида “таваккул” сўзини қўллагани кўзга ташланади.

Албатта, ҳар қандай асарнинг аслиятини тўлалигича таржимада бериш осон иш эмас, хусусан, шеърини шаклдаги ҳамда тасаввуфий мазмундаги асарларни таржимада қайта яратиш ниҳоятда жиддий иш ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. Истиқлол шарофатидан юртимизда Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини таржима қилиб, нашр этишда алоҳида давр бошланди. Асқар Маҳкам, Жамол Камол, Эргаш Очилов каби шоир-мутаржимлар бу борада катта хизмат қилдилар. “Маснавийи маънавий”нинг Жамол Камол тўлиқ таржимаси, шунингдек, унинг боб ва ҳикоятларидан парчаларнинг назмий ва насрий таржималари ҳам асарни ўзбек китобхонига таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2. “Маснавийи маънавий” аниқ бир сюжетдан иборат эмас. Адиб ҳикоя ичида ҳикоя, ривоят ичида ривоят, оят ичида ҳадис, ҳадис таркибида халқ мақоллари, халқона масаллар ва ҳоказоларни келтириш билан ўз мақсадини ўқувчига етказди. Муаллиф масалаларни бадиий тасвирлар экан, аниқ бир тартибга риоя қилмайди ҳамда аниқ боб ва фаслларга ажратмайди. Буларнинг бари асар таржимасини мураккаблаштиради.

3. Бироқ “Маснавийи маънавий” аниқ бир сюжетдан иборат бўлмаса ҳам, мавзулар кўлами, ривоятга ҳикоятлар силсиласи ҳамда ҳадису оятлар талқини мантиқан бир-бирига боғлаиб, бир-бирини тўлдириб боради, мукаммалаштиради.

4. Мавлоно Жалолиддин Румий ривоятлар, қиссалар ва ҳикоятлар таркибида баъзан лирик чекиниш қилиб, одоб-ахлоқ, сабр, шукур, қаноат, нафс тарбияси, ўзаро ҳурмат, ўзликни англаш, оилавий муносабатлар, ота-онани қадрлаш, турли касб эгаларини ҳурмат қилиш каби инсоний фазилатларни улуғлайди; устозни азиз билиш, ҳаёт қадрига етиш, бировга

зулм қилмаслик, ақл-заковат билан иш тутиш, катталарни ҳурмат қилиб, кичикларнинг иззатини ўрнига қўйиш каби масалалар хусусида ҳам сўз юритади. Бунда у ўзи яшаган давр форс-тожик тилининг бор имкониятларидан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам мутаржим ўша давр форс-тожик тилининг лексик-грамматик хусусиятларини билиши муҳимдир.

5. Ўтмишда ҳам “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилида шарҳлашга уринишлар бўлган. “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш XV асрдан бошланган. Илк шарҳ Камолиддин Ҳусайн Хоразмий томонидан ёзилган. Лекин адиб “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор”да манзуманинг фақат уч дафтарини шарҳлаган. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Қосим Анворнинг Румий “Маснавий”си вазнида маснавий ёзганлиги, Ҳусайн Хоразмийнинг Румий “Маснавийи маънавий”сига шарҳ битганлиги айtilган. Гарчи муаллиф у ҳақидаги қайдларга алоҳида ўрин ажратмаган бўлса-да, бошқа бир қатор асарларида турли сабабларга кўра, Румий сиймосига мурожаат этган. Яна Машрабнинг “Мабдаи нур”, XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарлари Румий услубида ёзилганлиги билан эътиборни тортади.

6. “Маснавийи маънавий” шарҳи ва таржимасига қўл урган барча ижодкорлар мутаржим-шоир Жамол Камол учун тажриба мактабини таъминлаб берди. Таржимон уларнинг ютуқ ва камчиликларидан сабоқ олди, каламини сайқал берди.

7. “Маснавийи маънавий” асари ўзбек атоқли шоир ва мутаржими Жамол Камол томонидан илк бор тўлиқ ўзбекчага ўгирилди. Ўзбек китобхонлари Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сини маҳоратли шоир ва мутаржим таржимасида худди аслият даражасида яратилган асар сифатида яхлит ҳолда ўқиш имкониятига эга бўлди.

8. “Маснавийи маънавий” асарида шеърини санъатларнинг қиёмига етказиб ишлатилганлиги асар тилининг мураккаблашишига эмас, аксинча, содда ва равон бўлишига замин яратган. Унинг ўзбекча таржимасида ҳам ана шу содда ва равонлик сақланиб қолган. Ўқувчилар уларни қийналмасдан тушуниб оладилар.

9. Асар таркибидаги аксарият бадий санъатлар моҳирлик билан ўзбек тилига ўгирилиб, талабчан китобхонлар диққатига ҳавола этилган. Уларда румиёна руҳ яққол сезилиб туради. Лекин таъкидлаш жоизки, мутаржимлар баъзан аслиятдаги бадий санъатларнинг айнан муқобилини бермай, уларни оддий баён этиш орқали ўқувчига етказишга ҳаракат қилишган. Бундай ҳолларда аслиятдаги байтлар мазмуни бузилмаган бўлса ҳам, бадииятга қусур етганлиги билиниб туради. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, Жамол Камол “Маснавийи маънавий” таркибидаги бадий санъатларнинг аксариятини жуда маҳорат билан катта заҳмат эвазига ўзбек китобхонига етказа олган.

10. Жамол Камол “Маснавийи маънавий” таркибидаги бадий санъатларни ўзбек тилида ўгирар экан, уларда шарқона руҳ, туркона оҳанг, мумтоз ва замонавий лисоннинг гўзал бир тарзда уйғунлашувидан ҳосил

бўлган ширали тилни таъминлай олган. Айнан бадий санъатлар таржимасидаги ана шу ширали тил, ҳассос руҳ, жозибали оҳанг ва равон услуб таржиманинг худди аслиятдагидай жаранглаб чиқишини ҳамда унинг муваффақияти ва ўқишлилигини таъминлаган.

11. Асар таржималарини қиёслаш жараёни шуни кўрсатадики, Жамол Камол таржималари пухтароқ, аслият мазмунини нисбатан тўлиқроқ акс эттира олган. Шоир-мутаржим ҳар бир сўз устида курашган, ўқувчисига аслиятни имкон қадар мукамалроқ етказишга ҳаракат қилган. Бу ниҳоятда заҳматли иш бўлса-да, Жамол Камол унинг уддасидан чиқа олган. Айниқса, бадий санъатлар таржимасида бу яққол кўзга ташланади.

12. Таржима мураккаб жараён бўлиб, асл нусханинг мазмунини аниқ ва тўғри бера олиш учун фақатгина сўзларнинг мосини топиш кифоя эмас, уларга алоқадор грамматик шакл ва бирликларни ҳам тўғри ифодалаш зарурдир. Шу жиҳатдан, таркибида кўплаб исломий-тасаввуфий тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар, оят ва ҳадислардан парчалар ҳам мавжуд бўлган “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилига маҳорат билан тушунарли ва оҳангдор тарзда ўгириш таржимондан бу борада етарли диний билим, дунёқараш, бадий-эстетик тажрибани талаб қилади. Жамол Камол таржимасида бундай сўзлар икки йўл билан ўқувчига етказилган: биринчидан, диний-тасаввуфий истилоҳларнинг айнан ўзи сақланган; иккинчидан, мазкур сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобили ёки маънодоши ишлатилган.

13. Бошқа таржимонлар кўпинча вазн талаблари ҳамда байтдаги мазмунни аслиятга яқин ҳолда сақлаб қолиш ниятида шоир ишлатган қофияларни қўллашга ҳаракат қилганлар. Маҳоратли таржимон Жамол Камол эса “Маснавийи маънавий” таржимаси жараёнида аксарият ҳолларда қофияларни аслиятдагидек сақлаб қолган.

14. Мутаржимлар архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида имкон қадар ҳар иккала тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашганлар. Муқобил вариантга эга бўлмаган архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида қийинчиликка учраганлари табиий ҳол. Бу қийинчиликни Жамол Камол ўз шоирлик маҳорати ва бу соҳадаги катта тажрибаси эвазига енга олган. У ўзбек тилида муқобил варианты мавжуд бўлган архаик сўзларни шу тушунча маъносини берувчи мос сўзлар билан маҳорат ила ифодалашга муваффақ бўлган.

15. Диний-тасаввуфий сўзларнинг таржимаси анча мураккаб ҳисобланади. Бу сўзлар оддий сўзлар сирасига кирмайди. Уларнинг маъноси замирида жуда чуқур илдиз отган шариат ва тасаввуфий одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одатлар, ҳикматли ривоят ва қиссалар ётади. Бу қадриятларни билмай туриб, “Маснавийи маънавий” таркибидаги диний-тасаввуфий истилоҳларни бошқа тилда беҳато бериб бўлмайди. Жамол Камол диний-тасаввуфий сўзларни таржима қилиш жараёнида жуда эҳтиёткорлик, маҳорат ва билимдонлик билан ёндашиб, сўзлар замирида ётган катта ҳикмат хазинасини англаган ҳолда уларни ўзбек ўқувчисига етказиб бера олган.

16. Таржиманинг сифати таржимоннинг асар яратилган тилни қай даражада билишига ҳам боғлиқ. Акс ҳолда, ижодкор яратган образнинг характерли хусусиятларини яхши англаш, уни аслиятдагидек таржимада қайта тиклаш қийин кечади. Бу қийинчиликни зуллисонайн адиб Жамол Камол ўз шоирлик маҳорати ва шу соҳадаги катта тажрибаси эвазига муваффақият билан енга олган.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc. 03/30.12.2019.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВАИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУХСАНОВ КАХРАМОН РАХИМБОЕВИЧ

**СОПОСТАВИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ УЗБЕКСКИХ
ПЕРЕВОДОВ ПРОИЗВЕДЕНИЯ ДЖАЛАЛИДИНА РУМИ
«МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ»**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSC)**

Ташкент – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.1.DSc/Fil193

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Ученого совета (www.navoiy-uni.uz) и информационном портале (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Сирожиддинов Шухрат Самариддинович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамроев Жумакул**
доктор филологических наук, профессор
Журакулов Узок Хайдарович
доктор филологических наук, доцент
Мисбохиддин Нарзикул
доктор филологических наук, профессор
(Таджикистан)

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится “__” _____ 2021 года в “__” часов на заседании Ученого совета Dsc.03/30.12.2019.Fil.19.01 при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (адрес: 100100, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа хос Хаджиба, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; e-mail: (www.navoiy-uni.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрировано за №) (адрес: 100100, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа хос Хаджиба, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; e-mail: (www.navoiy-uni.uz).

Автореферат диссертации разослан “__” _____ 2021 года.
(протокол реестра за № ____ от “__” _____ 2021 года)

Захидов Рашид Фазилович
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., доцент

Пардаев Кулдаш Узакевич
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н. доцент

Жаббаров Нурбой Абдулхакимович
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость диссертации. В мировой литературе произведения, отражающие общечеловеческие ценности и духовное совершенство человека, всегда почитались в качестве достояния всего человечества. Особенно, интерес к произведениям Восточной классической литературы и её создателей растет изо дня в день. В связи с этим, исходя из значения идеи и философии произведения в повышении духовности общества, определение социально-психологических факторов, вызвавших потребность к их переводу, а также оценивание уровня перевода являются актуальными задачами, стоящими перед переводоведением. А раскрытие универсальных и парадигматических аспектов многократно переведенных произведений имеют важное значение в решении многих научных проблем, связанных с развитием мирового переводоведения.

Как известно из истории мирового переводоведения, высокохудожественные и философские произведения создали основу для дальнейшего его процветания, открывая путь обновлениям поэтического содержания и формы в национальной литературе благодаря переводу. Это послужило причиной появлению в Западной литературе новых восточных жанров, схожих по философии, созвучию и структуре произведений гениев слов, поэтов-просветителей Востока, как Хафиз Шерози, Омар Хаям, Саъди Шерози, Алишер Наваи, Абдулкадир Бедил. Великолепное произведение Джалалиддина Руми «Маснавийи маънавий» переведено на многие языки мира. Сопоставительное исследование узбекских переводов произведения, специальное изучение художественного истолкования общечеловеческих ценностей, выраженных в поэме, выступает в качестве необходимости. Произведение мавляна Джалалиддина Руми “Маснавийи маънавий” и изучение уровней пересоздания его в переводе, исследование оригинала и художественных языковых особенностей устанавливают актуальность работы.

В Узбекистане в последующей четверти века уделяется большое внимание непосредственному переводу на узбекский язык жемчужин мировой литературы и подготовке высококвалифицированных специалистов в сфере переводоведения. На самом деле, “Идеологией создаваемого нами нового Узбекистана будут доброта, человечность, гуманизм. Когда мы говорим об идеологии, то имеем в виду, прежде всего, воспитание разума, воспитание национальных и общечеловеческих ценностей. В их основе лежат тысячелетние жизненные представления и ценности нашего народа»¹. На сегодняшний период установление лингвостилистических и лингвокультурологических средств, служащих переводу произведения на узбекский язык, а также особенностей их применения, определение кем и когда осуществлен перевод, изложение самых оптимальных путей

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир» нутқи.// Халқ сўзи, 2021 йил, 20 январь. – № 13.

выражения перевода, обеспечение эквивалентности и адекватности национально-культурных лексических единиц, определение приемов передачи на основе трансформации как никогда актуально и необходимо.

Данная диссертация в определенной степени служит осуществлению задач, установленных в Указах Президента Республики Узбекистан “О мерах коренного повышения статуса и роли узбекского языка в качестве государственного языка” за №УП-5850 от 21 октября 2019 года, “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года; Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропагандирования древних письменных источников” за №ПП-2995 от 24 мая 2017 года, “Об организации фонда “Творчество” при Союзе писателей Узбекистана” за №ПП-1292 от 26 февраля 2010 года, “О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, управления и финансирования деятельности Академии наук, научно-исследовательских работ” за №ПП-2789 от 17 февраля 2017 года, “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” за №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года, “О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения” за №ПП-3271 от 13 сентября 2017 года, а также в других соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии приоритетному направлению развития науки и технологий республики I. “Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Произведение великого представителя восточной классической литературы, шейха и поэта, знатока суфизма, основателя учения мавлави Мавляна Джалалиддина Руми “Маснавийи маънавий” и научные искания, направленные на изучение его переводов, проводятся в ряде ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, в том числе, в Istanbul Üniversitesi (Турция), Балхском государственном университете (Афганистан), University of Washington Press (США), Humboldt University of Berlin (Германия), Институте Востоковедения РАН, Институте восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), Казанском

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

государственном университете, Казахском национальном университете (Казахстан), Azərbaycan Milli Elmlər Akademisi, Bakı Dövlət Universiteti, Z.Bünyadov adına Şerqşünaslıq İnstitutu (Азербайджан), Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН УзР, Ташкентском государственном институте востоковедения, Международной исламской академии Узбекистана, Самаркандском, Каршинском и Бухарском государственных университетах (Узбекистан).

В мировом литературном процессе в результате исследований, направленных на переводы текста “Маснавийи маънавий”, получены следующие научные результаты: выявлена география мест, где осуществлены его переводы. Лингвистическое значение, формирование и развитие связанного с ним искусства перевода научно доказаны. Место, эстетическое значение произведений Руми в истории мировой литературы, сущность мировой литературной жемчужины научно обоснованы. В целях повышения идейно-художественной воздейственности “Маснавийи маънавий” теоретически и практически доказаны поэтические задачи входящих в его состав легенд, преданий, рассказов, хадисов Корана, пословиц и притчей, значение терминов исламского суфизма, исследованы переводы произведения Мавляна Джалалиддина Руми “Маснавийи маънавий” на немецкий и английский языки, а также свойственные им особенности (Германия, Великобритания), “Маснавийи маънавий” в качестве основного источника для истории мировой литературы, поэтика (Турция, Египет, Иран, Франция, Италия); специально изучены переводы и особенности надписей на азербайджанский язык (Азербайджан); воздействие Руми и произведения “Маснавийи маънавий” на мировую литературу (Россия, Таджикистан); новые методологические подходы к вопросу отношения истории и толкования произведения (University of Amsterdam. Нидерландия); Киргизский национальный университет (Киргизстан), поэтические особенности рассказов в “Маснавийи маънавий” (Ташкентский государственный институт востоковедения и Каршинский государственный университет).

В мировом литературоведении проводятся исследования в следующих приоритетных направлениях по переводу классических произведений на разные языки и их изучению: своеобразные стороны стихотворных переводов в мировом переводоведении, в том числе, отражение искусства размера, рифмы, редифа, поэтики в переводе, в них предусматриваются обеспечение адекватного уровня произведений перевода; нахождение причин неадекватного перевода и разработка путей их предотвращения; сравнительный анализ передачи слов на языке перевода, выражающих единицы языка, особенно, архаизмов, понятий исламского суфизма, определение элементов, выявляющих прагматическое соответствие и несоответствие в переводе; установление принципов перевода классических произведений.

Степень изученности проблемы. Вопрос восприятия стихотворного текста и перевод его с одного языка на другой издавна привлекает внимание переводчиков. Многие представители мирового и русского литературоведения своими исследованиями внесли большой вклад в вопрос стихотворного перевода и пересоздания художественного текста.³

Несмотря на то, наша литература имеет многовековой богатый опыт в сфере стихотворного перевода, создание специальных исследований по его развитию, теоретическим и практическим проблемам стало актуальным лишь в XX веке. Формирование и развитие данной сферы непосредственно связаны с исследованиями известных ученых, как Г.Саламов, Ж.Шарипов, Н.Комилов, А.Хаджихамедов, К.Джураев, и представителями последующего поколения.⁴

